С 60-х годов XX века в Приаралье из-за резкого снижения уровня воды в Аральском море стала возникать экологическая катастрофа. Экологический кризис привел к изменению геосферы, биогеохимических свойств окружающей среды (пестицидов и тяжелых металлов), усилению пыльных бурь с помощью ветровой эрозии с осушенного дна Аральского моря, сильной минерализации речных и грунтовых вод (что сказывается на качестве питьевой воды), опустыниванию территории, массовому засолению почв, деградации растительного покрова, усилению сухости воздуха, катастрофической деградации экосистемы территории [1-3, 7, 9, 14, 18, 24]. В результате отрицательных факторов больше всего пострадали районы, расположенные в 150-250 км от побе-




Рис. 1. Распределение девушек по величине трохантерного индекса и конституциональному типу возрастной эволюции.

режья Аральского моря. Также зафиксировано увеличение заболеваемости и смертности детей и пожилых людей [9] и численности сердечно-сосудистой [9], дыхательной [22], репродуктивной [20, 25] и психической патологии [19, 23]. Кроме того, отмечается увеличение числа онкологических заболеваний [21], врожденных аномалий развития [17].

Заключение. Значение трохантерного индекса у исследованных девушек свидетельст-

вует о снижении темпов полового развития. Кроме того, девушки с конституцией патологического (ТИ ≤ 1,85) и дисэволютивного (ТИ = 1,86-1,91) типа подвергались воздействию неблагоприятных условий окружающей среды. Установлено, что у 77% девушек, проживающих в зоне №1, наблюдалась задержка полового развития, а у 27% девушек, проживающих в зоне №3, ускоренное половое развитие.

ЛИТЕРАТУРА

1. Еркудов В.О., Заславский Д.В., Пуговкин А.П., Матчанов А.Т., Розумбетов К.У., Даулетов Р.К., Есемуратова С.П., Нажимов И.И., Пузырев В.Г. Антропометрические характеристики молодежи Приаралья (Узбекистан) в зависимости от степени экологического неблагополучия территории // *Экология человека*. 2020. № 10. с. 45–54. DOI: 10.33396/1728-0869-2020-10-45-54.
2. Еркудов В.О., Пуговкин А.П., Матчанов А.Т. и др. Анализ отклонений параметров физического развития у юношей, проживающих в Приаралье, от международных стандартизированных норм // *Педиатр*. 2020. – Т. 11. – №6. – с. 21-28. doi: [10.17816/PED11621-28](https://doi.org/10.17816/PED11621-28).
3. Курбанов А.Б., Ещанов Т.Б. и др. Гигиеническая оценка пестицидов, применяемых в Республике Каракалпакстан. – Нукус: 2002. – 75 с.
4. Негашева М.А. Основы антропометрии. – М.: Экон-Информ Публ, 2017. – с. 47-81.
5. Павлова И.П., Филатова О.В. Морфофункциональные особенности девушек в зависимости от типа эволютивной конституции. *Известия АлтГУ*. 2014. № 3 (83). – с. 66-69.
6. Реймов Р.Р., Константинова Л.Г. / Экологическая характеристика Приаралья и пространственная дифференциация его территории как зоны экологического бедствия // *Вестник ККО АН РУз*, 1992. – №2. – с. 3-8.
7. Розумбетов К.У., Ибраимова А.К. Определение ИМТ и телосложения девушек, проживающих в экологически неблагополучных условиях Приаралья // *Бюллетень науки и практики*. 2021. Т. 7. №6. – с. 191-199. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/67/22>.
8. Розумбетов К.У., Есимбетов А.Т. Сравне-

- ние z-индексов ИМТ и длины тела у юношей и девушек, проживающих в зависимости от степени экологического неблагополучия на территории Приаралья // *ЎзМУ хабарлари*. 2021, 3/1/1. Табиий фанлар. – с. 102-106.
9. Северин А.Е., Агаджанян Н.А., Брушков Ю.В., Радыш И.В., Старшинов Ю.П. Экологические условия в Приаралье и функциональные резервы организма человека. *Авиакосмическая и экологическая медицина*. 1995. – Т.29, №3. – с. 35-39.
 10. Третьякова И.П. Исследование морфофункциональных особенностей эволютивной конституции и адаптации организма человека к неблагоприятным экологическим факторам. Ломоносовские чтения на Алтае: фундаментальные проблемы науки и образования: Сборник научных статей международной конференции, Барнаул, 20-24 октября 2015 года /Алтайский государственный университет. – Барнаул: Алтайский государственный университет, 2015. – с. 1654-1660.
 11. Филатова О.В. Распределение соматотипов и темпов полового развития у юношей в условиях городской и сельской местности Алтайского края. *Экология человека*. 2014. (2). 12-19.
 12. Филатова О.В., Ковригин А.О., Воронина И.Ю., Павлова И.П., Баланова А.В. Особенности физического развития девочек, проживающих в районах Алтайского края с различным уровнем экологической нагрузки. *Гигиена и санитария*. 2016. 95(7): 643-648. DOI: 10.18821/0016-9900-2016-95-7-643-648.
 13. Филатова О.В., Павлова И.П., Васьченко И.В., Ковригин А.О. Взаимосвязь между конституциональными типами и темпами роста у девочек Западной Сибири // *Экология человека*. 2015. – № 7. – с. 13-19.
 14. Шадетова А.Ж., Машина Т.Ф., Алшынбекова Г.К., Дорошилова А.В., Шокабаева А.С., Саттыбаев К.Е., Влияние экологических факторов на адаптационные возможности организма жителей Приаралья. /Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2016. №2, – с. 216-219.
 15. Шевчук В.В., Малютин Н.Н. Связанные с эндокринопатиями нарушения здоровья у юношей допризывного возраста в йоддефицитном регионе. /Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Медицинские науки. 2012. (1): 118–23.
 16. Щанкин А.А. Экологические, морфофункциональные и медико-педагогические аспекты эволютивной конституции человека: монография / А.А.Щанкин, Г.И.Щанкина; Мордов. гос. пед. ин-т. – Саранск, 2014.– 310 с.
 17. Ataniyazova O., Adrian S., Mazhitova Z. et al (2001) Workshop report: Continuing progressive deterioration of the environment in the Aral Sea region: disastrous effects on mother and child health. *Acta Paediatrica* 90:589-591.
 18. Crighton E.J., Elliott S.J., Upshur R., van der Meer J., & Small I. (2003). The Aral Sea disaster and self-rated health. *Health & place*, 9(2), 73-82.
 19. Crighton E.J., Elliott S.J., van der Meer, J., Small I., & Upshur R. (2003). Impacts of an environmental disaster on psychosocial health and well-being in Karakalpakstan. *Social science & medicine*, 56(3), 551-567.
 20. Kultanov B.Z., Dosmagambetova R.S., Ivashenko S.A., Tatina Y.S., Kelmyalene A. A., & Assenova L.H. (2016). The study of cellular and molecular physiological characteristics of sperm in men living in the Aral Sea region. *Open access Macedonian journal of medical sciences*, 4(1), 5.
 21. Mamyrbayev A., Djarkenov T., Dosbayev A., Dusembayeva N., Shpakov A., Umarova G., Drobchenko Y., Kunurkulzhayev T., Zhaylybaev M., & Isayeva G. (2016). The Incidence of Malignant Tumors in Environmentally Disadvantaged Regions of Kazakhstan. *Asian Pacific journal of cancer prevention: APJCP*, 17(12), 5203–5209. <https://doi.org/10.22034/APJCP.2016.17.12.5203>.
 22. O'Hara SL., Wiggs GFS., Mamedov B., et al. (2000) Exposure to airborne dust contaminated with pesticide in the Aral Sea region. *The Lancet* 355:627-628.
 23. Sakiev K., Battakova S., Namazbaeva Z., Ibrayeva L., Otarbayeva M., & Sabirov Z. (2017). Neuropsychological state of the population living in the Aral Sea region (zone of ecological crisis). *International journal of occupational and environmental health*, 23(2), 87–93. <https://doi.org/10.1080/10773525.2018.1425655>
 24. Small I., Van der Meer J., & Upshur R.E. (2001). Acting on an environmental health disaster: the case of the Aral Sea. *Environmental Health Perspectives*, 109(6), 547-549.
 25. Turdybekova Y.G., Kopobayeva I.L., & Kultanov B.Z. (2015). The Health Status of the Reproductive System in Women Living in the Aral Sea Region. *Open Access MacedJ MedSci*. 2015. 3 (3): 474-477.

Mintaqaviy ekologik omillar ta'siri ostida qizlarda konstitutsiyaning evolyutiv turlari
Rozumbetov K.U.^{1,2}, Esimbetov A.T.², Ibraymova A.K.¹, Abdullaeva G.V.³

¹*Qoraqalpog' davlat universiteti, Nukus*, ²*Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va bio texnologiyalar universiteti Nukus filiali, O'zbekiston Respublikasi* ³*Chirchiq davlat pedagogika instituti*

Troxanter indeksi - erkak va qizlarning jinsiy konstitutsiyaning vektorli ta'rif o'lchovlaridan biri, jinsiy rivojlanish darajasi va sub'ektlar konstitutsiyaning individual-tipologik xarakteristikasi bilan bog'liq. Atrof muhitning salbiy omillari ta'siri ostida troxanter indeksi o'rtacha qiymatlardan (konstitutsiyaning disevoljutiv va patologik turlari) sezilarli darajada og'adi. Ushbu evolyutiv turlarning vakillari kam moslashuv imkoniyatlariga ega. Troxanter indeksi qiymatining pasayishi kechikkan jinsiy rivojlanishni bildiradi. Adabiyotlarga ko'ra, qalqonsimon bez gormonlarining yetishmasligi jinsiy rivojlanish jarayonini kechiktirishi mumkin. Oldinlari troxanter indeksini qo'llagan holda Qoraqalpog'iston Respublikasi aholisi konstitutsiyaning evolyutiv tiplari aniqlanganligi haqida

ma'lumotlar yo'q. Shu bois, ushbu ishda umumqabul qilingan metodga asoslangan holda Qoraqalpog'iston Respublikasida yashovchi 18 yoshdan 22 yoshgacha bo'lgan 410 ta qizlarda evolyutiv tiplar aniqlandi. Qoraqalpog'iston Respublikasining belgilangan 3 ta ekologik zonalarida yashovchi qizlarning total o'lchamlarida statistik jihatdan ahamiyatli farqlar aniqlanmadi (tana vazni bo'yicha Zona №2 - Zona №3 taqqoslashidan tashqari). Troxanter indeks qiymatlari tekshiriluvchilarda past temple jinsiy rivojlanishni ko'rsatdi. Jumladan, Zona №1 da yashovchi qizlarning 77 % ida kechikkan jinsiy rivojlanish va Zona №3 da yashovchi qizlarning 27 % ida tezlashgan jinsiy rivojlanish mavjudligi aniqlandi.

Эволютивные типы конституции у девушек под влиянием региональных факторов внешней среды
Розумбетов К.У.^{1,2}, Есимбетов А.Т.², Ибраймова А.К.¹, Абдуллаева Г.В.³

¹Каракалпакский государственный университет, Нукус, ²Нукусский филиал Самаркандского государственного университета ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий, ³Чирчикский государственный педагогический институт

Трохантерный индекс – один из показателей шкалы векторного определения половой конституции мужчин и женщин, коррелирующий с темпами полового созревания и индивидуально-типовой характеристикой конституции. Под действием неблагоприятных факторов среды трохантерный индекс значительно отклоняется от средних значений, что определяет дисэволютивный и патологический типы конституции. Представители данных типов имеют низкие адаптационные возможности. Снижение значения индекса трохантера указывает на задержку полового развития. Согласно литературе, дефицит гормонов щитовидной железы может задержать процесс полового развития. Отсутствуют данные о том, что ранее с использованием индекса трохантера были определены эволюционные типы конституции населения Республики Каракалпакстан. Поэтому в данной работе на основе общепринятого метода у 410 девушек в возрасте от 18 до 22 лет, проживающих в Республике Каракалпакстан, были выявлены эволютивные типы. Не выявлено статически значимых различий в тотальных размерах девушек, проживающих в указанных экологических зонах Республики Каракалпакстан (за исключением сравнения Зона №2 - Зона №3 по массе тела). Установлено, что у 77% девушек, проживающих в Зоне №1, наблюдается задержка полового развития, а у 27% девушек, проживающих в Зоне №3, ускоренное половое развитие.

Evolutionary types of constitution in girls under the influence of regional environmental factors
Rozumbetov K.U.^{1,2}, Esimbetov A.T.², Ibraymova A.K.¹, Abdullaeva G.V.³

¹Karakalpak State University, Nukus, ²Nukus branch of the Samarkand State University of Veterinary Medicine, Livestock and Biotechnologies, ³Chirchik State Pedagogical Institute

The trochanter index is one of the indicators of the scale of vector determination of the sexual constitution of males and females, correlates with the rate of puberty and the individual-typical characteristic of the constitution of the subjects. Under the influence of unfavorable environmental factors, the trochanter index significantly deviates from the average values (disevolutive and pathological types of constitution). Representatives of these evolutionary types have low adaptive capabilities. A decrease in the value of the trochanter index indicates a delay in sexual development. According to the literature, thyroid hormone deficiency can delay the process of sexual development. There is no evidence that earlier the evolutionary types of the constitution of the population of the Republic of Karakalpakstan were determined using the trochanter index. Therefore, in this work, on the basis of the generally accepted method, evolutionary types were identified in 410 girls aged 18 to 22 years living in the Republic of Karakalpakstan. There were no statistically significant differences in the total sizes of girls living in the specified ecological zones of the Republic of Karakalpakstan (except for the comparison of «Zone №2» - «Zone №3» by body weight). It was found that 77% of girls living in «Zone №1» have delayed sexual development, and 27% of girls living in «Zone №3» have accelerated sexual development.

ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ

ЭКОНОМИКА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Нажимов И.П.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Нукус шаҳри

Жаҳон иқтисодиётида қурилиш индустрияси жадал суръатлар билан ривожланаётган тармоқлардан бирига айланмоқда. Жаҳон умумий ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш таркибида қурилиш материаллари ҳамда бино ва иншоотлар қурилиши соҳалари муҳим аҳамиятга эга. Дунё мамлакатлари ЯИМнинг 13 фоизи айнан шу тармоқда яратилаётганлиги, қурилиш инфратузилмасини барқарор ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратилаётганидан далolat беради [6].

Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳамда капитал қурилиш моддий-техник базасининг ажралмас қисми сифатида қурилиш материаллари саноатини сифат жиҳатдан ривожлантириш юзасидан кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида ҳудуднинг мамлакат саноат зоналаридан нисбатан узоқлиги ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли соҳада инвестицион жозибадорликни оширишга эътибор қаратиш лозим. Ҳудудда ишлаб чиқаришнинг самарали ва барқарор ривожланиши учун имкониятлар мавжуд бўлишига қарамадан Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш материаллари саноатининг самарадорлик кўрсаткичлари кўп жиҳатдан мамлакатнинг ўртача кўрсаткичидан орқада қолмоқда. Шу боис соҳада маҳаллий хомашёлар асосида янги турдаги юқори сифатли, рақобатбардош ва энергия тежамкор материалларни яратиш асосида қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожлантиришга йўналтирилган илмий изланишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Маҳаллий хомашё материалларидан фойдаланиш қишлоқ жойларда инвестицион жараёни кучайтириш ва кўпайтирувчи самарани шакллантириш учун зарур шарт бўлиб хизмат қилади. Ушбу йўналишни амалга оширишнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини шакллантириш ўртасидаги мантикий, сабабли боғлиқликни қуйидагича кўришимиз мумкин [3]:

маҳаллий хомашёлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш корхоналарини яратиш ишлатиладиган қурилиш материалларининг нархини пасайтиради, шунингдек уларни қурилиш майдончасига олиб бориш харажатларини камайтиради, бу эса қурилишнинг умумий қийматини сезиларли даражада арзонлаштиради;

қурилиш харажатларининг пасайиши бизга қишлоқ жойлардаги инвестиция муҳитини яхшилаш ва турли мақсадларда (шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш учун ишлаб чиқариш) қурилиш объектларининг мавжудлигини оширишга имкон беради, бу ўз навбатида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши билан бир вақтда қишлоқ жойларида иш ўринлари яратилишини таъминлайди;

қурилиш ва қишлоқ хўжалигида янги ишлаб чиқаришларнинг пайдо бўлиши натижасида қишлоқларда бандликнинг ошишини қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси кўшимча равишда ўсишини, ички меҳнат миграциясининг пасайишини таъминлайди.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналар маҳсулотлари кўп меҳнат талаб қилади ва қурилиш материалларини етказиб бериш учун транспорт харажатлари баъзан 20% гача етади. Чекка ҳудудларда бу материаллар нархининг 35-40% гача кўтарилишини ҳисобга олсак, қишлоқ жойларини янада ривожлантириш учун қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналарни кўпайтириш зарур деб ҳулоса қилишимиз мумкин [1].

Инвестицион-қурилиш комплексида қурилиш материаллари саноати асосий ҳал қилувчи ролни бажаради. Қурилиш материаллари саноати маълум даражада иқтисодиётнинг «локомотиви» бўлиб хизмат қилади [2]. Қурилишнинг қулайлик даражаси, унинг сифати ва умуман, инвестиция жараёнининг самарадорлиги соҳанинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Ўзбекистон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари

орасида муносиб ўрин эгаллайди. Тармоқ корхоналари минглаб турдаги маҳсулотларни ўз ичига олган турли хил қурилиш материаллари, қурилиш буюмлари ва конструкцияларининг кенг турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Шубҳасиз, қурилиш муддати, унинг сифати ва иқтисодий натижалари қурилиш объектларини сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш даражасига, ўз вақтида етказиб беришга ва ушбу материалларнинг нархига боғлиқ. Қурилиш ва кўриб чиқиладиган соҳа ўртасидаги инновацион ривожланишнинг замонавий шароитларида икки томонлама йўналишга эга инновацион алоқалар кучаймоқда. Бир томондан, қурилиш лойиҳалариянада мураккаблашмоқда (қаватлар сонининг кўпайиши, янги конструктив-режалаштириш ечимларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.), объектларнинг сифатига талабларнинг ошиши ва қурилиш вақтини қисқартириш (масалан, шаҳар қурилишининг ривожланиши) янги талабларни келтириб чиқармоқда, инновацион қурилиш материалларини яратиш эҳтиёж туғдирмоқда. Бошқа томондан, қурилиш илмий тафаккурининг ривожланиши янги қурилиш биноларини (масалан, нанотехнологиялардан фойдаланишга асосланган материаллар) яратишга олиб келади, бу эса мутлақо янги бино ва иншоотларни қуришга имкон беради. Умуман олганда, қурилиш материаллари саноатида, бошқа соҳалар сингари, шиддатли рақобат ривожланмоқда, бунда технологиялар ва материалларнинг инновационлиги энг муҳим омил ҳисобланади. Ишонч биланайтиш мумкинки, ушбу соҳа инновацион таркибий ва технологик ўзгаришлар остонасида турибди.

Қурилишга нисбатан “хизмат кўрсатувчи” бўлган қурилиш материаллари саноати соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу соҳанинг асосий хусусиятларидан бири энергия сарфи ва юк ташишнинг кўплигидир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш материаллари саноати устувор аҳамият касб этиб, унинг ривожланиши қурилиш таннархисининг пасайишига ҳамда умуман инвестиция ва қурилиш ишлари самарадорлигининг ошишига таъсир қилади. Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноатининг мамлакатимиздаги жами маҳсулот ассортиментида нисбатан 14 фоиздан кам қисми мавжуд.

Бундан ташқари, бир қатор объектларнинг ҳисоб-китоблари шуни кўрсатадики, объектларни қуриш учун ресурсларнинг нархларини ҳисоблаш каталоглари асосида нархларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганиладиган ҳудудда бир қатор материаллар учун қурилиш материаллари саноатининг

нархи бошқа ҳудудлардаги нархларга (масалан, Тошкент ва Жиззах вилоятлари) нисбатан 15-18% юқори.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистоннинг қурилиш материаллари саноати минтақанинг қурилиш материалларига нафақат номенклатураси ва ишлаб чиқариш ҳажми, балки маҳсулот нархи бўйича ҳам талабни қаноатлантирмайди. Бу, асосан, Қорақалпоғистон Республикасида бир қатор қурилиш материаллари учун хомашё етишмаслиги, соҳадаги корхоналарнинг ноқулай жойлаштирилганлиги, корхоналарни техник жиҳозлашдаги камчиликлар ва бошқа бир қатор омиллар билан боғлиқ.

Тақдим этилган маълумотлар қурилиш материаллари саноатининг замонавий талабларга мувофиқлигини ошириш учун янги тадқиқотларни тақозо этади. Албатта, ушбу соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш инновацион усулларни қўллашга асосланган бўлиши керак. Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш комплекси ва қурилиш материаллари саноатининг таҳлили шуни кўрсатадики, мавжуд қурилиш корхоналари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари асосан минтақанинг нисбатан ривожланган ҳудудларида жойлашган.

Биз Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноатининг стратегик режасида барқарор ривожланишга эришиш нуқтаи назаридан қурилиш материаллари саноатининг SWOT таҳлилини ўтказдик (1-жадвал).

Қорақалпоғистондаги қурилиш материаллари саноатининг SWOT таҳлили шуни кўрсатадики, қурилиш материаллари саноати корхоналарининг ташкилий ва иқтисодий салоҳияти ҳозирги ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: маҳсулотларнинг тор доираси ва паст сифати; ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслик; ишчилар малакасининг етарлича юқори эмаслиги, маҳаллий минерал хомашё базасидан етарли даражада фойдаланмаслик ва корхоналар фаолиятининг паст инновацион фаоллигидир. Бундан ташқари, минтақада корхоналарнинг ихтисослашуви ва имкониятлари ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлиги замонавий талабларга жавоб бермайди. Соҳа корхоналарининг асосий фондлари юқори даражадаги маънавий ва жисмоний эскирган.

Юқорида айтилганларнинг барчаси минтақанинг инвестицион жозибадорлиги пасайишига таъсир қилади. Албатта, ушбу муаммони ҳал қилишда Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноати катта рол ўйнайди, унинг имкониятлари ҳозирча чекланган ва тўлиқ амалга оширилмагандир.

Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноатининг стратегик режасида барқарор ривожланишга эришиш нуктаи назаридан SWOT таҳлили

Кучли томонлари	Заиф томонлари
иш ҳақининг арзонлиги; кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун ўқув базасининг мавжудлиги; қурилиш ҳажмлари ўсишининг жобий тенденцияси; бир қатор маҳаллий хомашёнинг мавжудлиги; ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда давлатнинг ёрдами	тор ишлабчиқариш линияси (маҳсулот тури); қувватдан фойдаланишдаги йиллик сезиларли тебран ишлар; молиявий ресурсларнинг етишмаслиги (айланма маблағлар ва стратегик ташаббусларни амалга ошириш учун асос); машина ва механизмларни етказиб бериш ва уларга хизмат кўрсатишни суст ташкил этилганлиги сабабли ишлаб чиқариш фаолиятининг паст рентабеллиги; буюртмаларнинг бекарорлиги туфайли юқори ишлаб чиқариш харажатлари; маҳсулотларнинг рақобатбардошлигининг пастлиги; асосий фондларнинг эскириши даражаси; маҳаллий хомашёбазасининг чекланган турлари; Корхоналар инновацион фаоллигининг пастлиги
Имкониятлар	Таҳдидлар
Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулот турини кенгайтириш; Маҳсулотнинг рақобат бардошликда ражасини, шу жумладан, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳисобига ошириш; корхонанинг ишлаб чиқариш ва техник базасини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозларини такомиллаштириш; ишчиларнинг малакасини ошириш	Тармоқдаги корхоналарнинг нотекистаксимланиши; ишлаб чиқаришни қискартириш; янги рақобатчилар пайдо бўлиши; маҳсулот сифатида ражасининг пасайиши; салбий ижтимоий мақомни яратиш; минтақанинг кўпчилик ҳудудларида сув танқислиги; минтақада ноқулай экологик вазият

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда ҳудудни қурилиш материаллари билан самарали таъминлашнинг долзарб муаммоси мавжуд. Айрим адабиётларда [3], Ўзбекистоннинг қурилиш саноати ривожланиш йўллари ҳисобга олган ҳолда, соҳани инновацион ривожлантириш зарурати қайд этилган ва бошқа тадбирлар қаторида саноат корхоналарини кенгайтиришга ва кластерли ёндашувни қўллашга эътибор қаратиш таклиф қилинган.

Маҳаллий олимлар томонидан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланиш бўйича ишланмалар диққатга сазовордир. Мисол сифатида, илмий адабиётларда [5] акс эттирилган тадқиқотларни келтиришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг фикримизча, соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун қуйидагилар зарур:

⇒мавжуд корхоналарни ўрганиш ва уларнинг салоҳиятини ошириш имкониятларини баҳолаш (маҳсулотлар ҳажми,

номенклатураси ва сифати);

⇒минтақа учун шу вақтгача ишлаб чиқарилмаган анъанавий материаллар ва қўшимча материалларни ишлаб чиқариш нуктаи назаридан минтақанинг хомашё салоҳиятини ўрганиш;

⇒кўчма корхоналарни қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда улардан масофавий қурилиш комплексларини қуришда ишлатиш учун фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;
⇒саноат кластерини шакллантириш асосида барқарор ривожланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, минтақа қурилиш материаллари саноати корхоналари фаолиятини ривожлантириш борасидаги мавжуд муоммоларни илмий жиҳатдан ҳал этиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши ўз навбатида ушбу тармоқнинг ва умуман Қорақалпоғистон иқтисодиётининг келгусидаги ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Кальметов Б.Д., Казимов В.А., Гимуш Р.И. Углубление экономических реформ в строительном комплексе Узбекистана. – Ташкент: 2006. – 186 с.

2. Курбаниязов Ш.К. Производство строительных материалов на современном этапе экономического развития Узбекистана // Бизнес-эксперт, 2017. №11(119).

3. Нуриббетов Р.И., Нажимов И.П. Современные направления развития промышленности строительных материалов // "Архитектура. Курилиш. Дизайн". Илмий-амалий журнал. ТАҚИ-2020. №1. – с. 244-248.
4. Суёнов А. Модернизация экономики капитального строительства на основе совершенствования инвестиционных процессов. – Ташкент: «Fan va texnologiya», 2010. – 164 с.
5. Зайнутдинов Ш.Н., Нуриббетов Р.И. Ресурсная база и потенциал производства Узбекистана: использование и эффективность (региональный аспект) // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №10 (23). – с. 207-212. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/zaynutdinov>
6. <http://www.industrytap.com>

Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари
Нажимов И.П.

Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда қурилиш материаллари саноати алоҳида ўринга эга. Унинг ривожланиши қурилиш таннархининг пасайишига ҳамда умуман инвестиция ва қурилиш ишлари самарадорлигининг ошишига таъсир қилади. Қурилиш материаллари саноатининг ривожланиши иқтисодиётнинг талабларини тўла қондириш учун шарт-шароитлар яратишни, биринчи навбатда, яқка тартибдаги ва кўп қаватли уй-жойлар, инфратузилма ва ижтимоий объектларни қуришни таъминлайди. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг инновацион ривожланиши шароитида қурилиш материаллари саноати кўплаб муаммоларга дуч келмоқда: маҳсулот турларини кенгайтириш, хом ашё салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ва ресурсларни тежашни ошириш ва ҳ.к. Шуни ҳисобга олган ҳолда, мақолада минтақавий соҳани барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим омиллари аниқланди. Бу эса ўрганилаётган соҳадаги корхоналарнинг самарали инновацион ривожланишини таъминлаш борасидаги ишларни янада кенгайтиришга асос бўлади. Мақолада минтақа қурилиш материаллари саноатининг мавжуд ҳолатини баҳолаш ва имкониятларни ўрганиш мақсадида SWOT таҳлил қилинган ҳамда керакли таклиф ва тавсиялар берилган.

Особенности развития промышленности строительных материалов Республики Каракалпакстан
Нажимов И.П.

Каракалпакский государственный университет, Нукус

В инновационном развитии экономики страны промышленность строительных материалов занимает особое место. Его развитие влияет на снижение стоимости строительства и в целом на повышение эффективности инвестиционно-строительных работ. Развитие промышленности строительных материалов предусматривает создание условий для полного удовлетворения потребностей экономики, в первую очередь строительства индивидуальных и многоэтажных домов, объектов инфраструктуры и социальной сферы. В условиях инновационного развития экономики Республики Каракалпакстан перед отраслью строительных материалов стоит множество задач: расширение ассортимента выпускаемой продукции, полное использование сырьевого потенциала и повышение ресурсосбережения и др. С учетом этого в статье определены наиболее важные факторы устойчивого развития отрасли в регионе. Это станет основой для дальнейшего расширения работы по обеспечению эффективного инновационного развития предприятий в изучаемой сфере. В статье проведен SWOT-анализ с целью оценки текущего состояния и возможностей отрасли строительных материалов в регионе и представлены необходимые предложения и рекомендации.

Features of the development of the construction materials industry of the Republic of Karakalpakstan
Najimov I.P.

Karakalpak State University, Nukus

The construction materials industry occupies a special place in the innovative development of the country's economy. Its development has an impact on reducing the cost of construction and, in general, on improving the efficiency of investment and construction work. The development of the building materials industry provides for the creation of conditions for the full satisfaction of the needs of the economy, primarily the construction of individual and multi-storey buildings, infrastructure and social facilities. In the conditions of innovative development of the economy of the Republic of Karakalpakstan, the construction materials industry faces many tasks: expanding the range of products, making full use of raw material potential and increasing resource conservation, etc. According to this, the article identifies the most important factors of sustainable development of the industry in the region. This will become the basis for further expansion of work to ensure effective innovative development of enterprises in the field under study. The article provides a SWOT analysis to assess the current state and capabilities of the construction materials industry in the region and presents the necessary proposals and recommendations.

МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

Убайдуллаев Н.И.

Ўзбекистон Республикаси Банк молия академияси, Тошкент шаҳри

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсати, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатни олиб бориш билан бирга давлат харидларини амалга оширувчи бюджет ташкилотларини зарур товар (иш, хизмат)лар билан ўз вақтида, керакли миқдорда ва турда, сифатли ҳамда мақбул нархларда таъминлаш зарур.

Давлат харажатлари сарфланишининг самарадорлигини ошириш, улардан оптимал даражада фойдаланишни, муқобил вариантда сотиб олинишини йўлга қўйиш миллий иқтисодиётимиз ривожига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.01.2022 йилдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифалар доирасида биринчи — тўртинчи синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этишни ҳамда “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурига кўра жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш (*электробуслар ва метро поездлари хариди*), миллий ўқув дастурига халқаро нашриётлардан янги дарсликлар харид қилишни, бирламчи тиббий-санитария хизмати ва перинатал марказларини моддий техник базасини такомиллаштириш йўлида тиббий техника ва тиббий буюмлар хариди, шунингдек, маиший хизмат сифатини оширишда янги махсус техникалар харидининг кўзда тутилиши ҳисобига давлат харидлари кўрсаткичларининг ортиши кутилмоқда.

Натижада эса давлат харидларининг шаффоф тизимини яратишга, харид жараёнларида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга зарурат мавжуд.

Давлат харидлари иқтисодиётнинг ажралмас қисми бўлиб қолмасдан, мамлакат молия тизимининг бюджет самарадорлигини кўрсатиб берувчи индикаторлардан бири ҳисобланади.

2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари 394,9 триллион сўм, шундан харажатлар 216,2 триллион сўмни ташкил этган бўлиб, шу даврда 147,4 триллион сўмлик 1 456,5 мингта давлат хариди амалга оширилган. Ушбу харидларнинг субъекти 41,3 триллион сўми корпоратив (28,0 фоизи) ва 57,0 триллион сўми бюджет (39,0 фоизи) буюртмачилари ҳисобланади.

Кўриб турганимиздек, давлат бюджети харажатларининг катта қисми давлат харидларини амалга оширишга сарфланади, бундай харидлар бюджет мувозанатини сақлашга бевосита таъсир қилади. Шу боисдан, давлат харидлари миқдорини энг мақбул даражада сақлаб туриш учун унинг юқори самарадорлигини таъминлаш муҳим масалалар.

Давлат харидларини бошқаришда давлат органларининг бу тизимга ҳамкорликда ёндашиши, қабул қилинган қарор ва фармонларнинг сифатли ижросида муҳим ўрин тутиб, натижада давлат бюджети маблағларининг оқилона сарфланиши ва иқтисод қилинишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилингунга қадар, соҳа 30 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниб, бунда давлат харидларининг яхлит тизими мавжуд эмаслиги оқибатида турли тушунмовчиликлар, ҳуқуқий қарама-қаршиликларга сабаб бўларди.

Қонуннинг амал қилиши, бюджет тизими бюджетлари ва бошқа давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан донор мамлакатлар, халқаро, ҳукуматга қарашли бўлган ва ҳукуматга қарашли бўлмаган чет эл ташкилотлари билан тузилган шартномалар доирасида тақдим этиладиган чет эл грантлари ҳамда давлат кафолати остида жалб этиладиган чет эл кредитлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат харидларига нисбатан татбиқ этилади.

Мазкур қонун билан давлат хариди жараёнида очиқлик ва ошқоралик принципи қарор топиб, барча маълумотларни махсус ахборот порталда эълон қилиш амалиёти яратилган.

Шунингдек, қонун билан давлат харидларининг:

- касбий маҳорат ва масъулиятлилик;
- асосланганлик;
- молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги;
- очиқлик ва шаффофлик;
- рақобат ва холислик;
- мутаносиблик;
- давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги;
- коррупцияга йўл қўймаслик каби асосий принциплари белгиланди.

Бундан ташқари, Қонун билан Давлат харидлари соҳасини давлат томонидан

тартибга солишнинг асосий мақсадлари этиб:

- давлатнинг стратегик мақсадлари ва вазифаларига эришиш;

- давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини ва бошқа давлат дастурларини амалга ошириш;

- давлатнинг ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш бўйича функцияларини бажариш;

- давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат харидлари субъектларига қулай муҳитни шакллантиришдан, шунингдек давлат харидларини амалга оширишда коррупцияга ва қонунчиликнинг бошқача тарзда бузилишларига қарши курашишдан иборатлиги кўрсатиб ўтилган.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистик ва бошқа ахборотни таққослаш ва таҳлил қилиш орқали амалга ошириладиган текширувлар давлат органларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан назорат қилишнинг асосий шаклидир. Давлат харидлари соҳасидаги мониторинг ва назорат тегишли ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш чоғида қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган текширувлар ўтказилишига ва ҳисобот бериш шакллари талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Бироқ, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан харид қилиш тартиб-таомиллари устидан мониторинг, давлат назорати ўрнатилган, фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва ОАВ томонидан жамоатчилик назорати ҳам йўлга қўйилган бўлсада, давлат маблағлари талон-тарож қилиш ҳолатлари кузатилаётгани ачинарли ҳолат.

Маълумот учун: Ўтказилган таҳлилда биргина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан жорий йилнинг ўтган 5 ойида аниқланган ҳуқуқ бузарликлар соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача таълим, туризм ва спорт, олий таълим, ўрмон хўжалиги, бандлик ва меҳнат муносабатлари, маданият, ободонлаштириш, транспорт, ветеринария, маҳалла, олий ва ўрта махсус таълим, сув хўжалиги, почта, банк, ҳокимлик ва экология ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида содир этилиб, улар келиб чиқиш сабабларига кўра 23,4 фоизи амалда бажарилмаган ишлар ҳажмига қўшиш ёки товар (иш, хизмат)лар етказиб бермаслик, 72,8 фоизи савдо қондасини бузиб, товар (иш, хизмат)ларни қиммат нархларда харид қилиш, 2,4 фоизи қонун бўйича талаб этилган савдони ўтказмасдан, тўғридан тўғри шартномалар тузиш ҳисобига юзага келганлиги маълум бўлди.

Демак, турли ҳуқуқбузарликларни олдини олиш учун амалдаги қонунчиликда айрим бўшлиқлар ва камчиликлар устида ишлаш лозимлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, давлат секторининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашдаги роли катта аҳамиятга эгадир. Унинг узлуксиз ва самарали фаолият кўрсатиши учун керакли товар (иш, хизмат)лар билан ўз вақтида таъминлаб туриш зарур бўлади. Давлат харидлари эса айни шу мақсадда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мазкур соҳанинг тўғри ривожланиши аҳолининг бандлик ва даромад даражасига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан,

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларни сотиб олишда танлов жараёнларини жорий этиш орқали, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир этиши мумкин;

- сотиб олинаётган товарларнинг сифат талабини халқаро стандарт талабларига тенглаштириш орқали миллий ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулот сифатини оширишга таъсир этиши мумкин;

- очик тендерлар тўғрисида эълонларни жойлаштириш орқали тадбиркорлик субъектлари ўртасида рақобатни ривожлантиришга таъсир этиш мумкин бўлади.

Давлат хариди тизимининг келажақдаги истиқболини янада такомиллаштириш мақсадида ушбу тизимнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, харидларнинг ошқора ва шаффоф ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, коррупцияга йўл қўймаслик бўйича кўрилаётган чораларни кучайтириш зарур.

Таъкидлаш лозимки, давлат харидлари соҳасида кўзда тутилган ижобий натижаларга нафақат доимий эътибор ҳисобига, балки, соҳадаги меъёрий базаларни, электронлаштирилган тизим ва технологияларни замон талабига мутаносиб равишда янгилаб бориш, хорижий тажрибани ўрганиб, ундаги ижобий ва самарали тарафларини давлат харидлари соҳасидаги миллий тизимга татбиқ этиб боришни узвийлигини ва узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, тегишли мутахассисларни малакасини ошириб боришни таъминлаш зарур.

Шундагина, мазкур соҳа халқаро рейтингларда мамлакатни баҳосини яхшилашга, Давлат молиясини бошқариш самарадорлигини халқаро баҳолаш (PEFA) томонидан ўтказиладиган баҳолашларда яхши натижаларга эришишни таъминлайди ва мамлакатнинг жаҳон миқёсида обрўсини ошириб, хорижий инвестицияларни жалб этилишига ўз таъсирини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.01.2022 йилдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган томонидан қўзғатилган жиноятлар туркуми.
4. Молия вазирлиги ахборот порталидаги харидлар тўғрисидаги маълумотлар.

Мамлакатимизда иқтисодийни либераллаштиришда давлат харидлари тизимининг аҳамияти **Убайдуллаев Н.И.**

Ўзбекистон Республикаси Банк молия академияси, Тошкент

Ушбу мақолада давлат харидларининг иқтисодий аҳамияти ёритилган бўлиб, иқтисодийни модернизация қилиш ва либераллаштириш шароитида давлат харидларига бўлган талаблар ҳамда соҳадаги муаммолар таҳлил қилиниб, бартараф этиш юзасидан таклифлар ёритилган. Шунингдек, давлат бюджетида давлат харидларининг ўрни, давлат бюджети ҳамда ундан маблағ олувчи ташкилотларнинг товар, иш ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини харидлар орқали ўз вақтида ва энг мақбул нархларда етказилишини таъминлаш учун хизмат қилаётгани таъкидлаб ўтилган. Мазкур жараённинг муҳим аҳамиятга эгалиги ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида долзарб йўналиш ҳисобланиб, эътибор талаб этаётганлиги боис, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, соҳани қонун доирасида тартибга солиниши бежиз эмаслиги қайд этилган.

Значение системы госзакупок в либерализации экономики в нашей стране **Убайдуллаев Н.И.**

Банковско-финансовая Академия Республики Узбекистан, Ташкент

В данной статье выделена экономическая значимость государственных закупок, проанализированы требования к государственным закупкам в условиях модернизации и либерализации экономики, а также проблемы в сфере и выделены предложения по их устранению. Также подчеркивается роль государственных закупок в государственном бюджете, служащих для обеспечения потребностей государственного бюджета и организаций, получающих средства из него в товарах, работах и услугах, своевременно и по наиболее приемлемым ценам посредством закупок. В связи с важностью этого процесса и тем, что он считается актуальным направлением социально-экономического развития страны и требует внимания, отмечается, что недаром Закон Республики Узбекистан «О государственном Закупки», и сектор должен регулироваться в рамках закона.

The Importance of the Public Procurement System in the Liberalization of the Economy in our country **Ubaydullaev N.I.**

Banking and Finance Academy of Republic of Uzbekistan, Tashkent

This article highlights the economic significance of public procurement, analyzes the requirements for public procurement in the context of modernization and liberalization of the economy, as well as problems in the field, and highlights proposals for their elimination. The role of public procurement in the state budget is also emphasized, serving to meet the needs of the state budget and organizations receiving funds from it in goods, works and services, in a timely manner and at the most affordable prices through procurement. Due to the importance of this process and the fact that it is considered an actual direction of the socio-economic development of the country and requires attention, it is noted that it is not without reason that the Law of the Republic of Uzbekistan “On Public Procurement” and the sector should be regulated within the framework of the law.

ЎРХУН-ЕНИСЕЙ БИТИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Назаров Н.

Чирчик давлат педагогика университети

Инсон ва жамиятнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ этишда тарихий жараёнларни ўрганиб, унинг таҳлилига эътибор қаратиш аҳамиятли. Чунки, ўтмиш воқеа-ҳодисаларини ўрганиб, ундан хулоса ва сабоқлар чиқариш шахс, миллат ва жамият аъзоларида ўз аجدодларига ҳурмат ҳиссининг юксалиши билан бир қаторда ўзликни англаш хусусиятларини ривожлантириб, туркий халқларнинг шаклланиш жараёни муштарак эканлигини идрок этишни ҳам таъминлаб боради. Ўтмиш меросларига эътибор қаратиш тарихий илдизлари бир бўлган халқлар, умуман инсоният тақдири учун масъуллик ҳиссини юксалтириб боради. Тарихий онг – бевосита аجدодлар руҳи олдидаги масъулиятни идрок этиб, ўтмишнинг ижобий жиҳатларидан фахр-ифтихор ҳиссини туйиш, унинг камчилик ва мағлубиятидан тўғри хулоса чиқариш лозимлиги билан аҳамиятлидир. Демак: «Тарих фани ўтмишда содир бўлган жараён ва ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг илдизи, тарихни ҳаракатлантирувчи сабаблар, унинг мантиғи ва маъносини кўриш имконини беради»[1]. Тарихни ҳаракатлантирувчи куч – бу халқ, ҳамда шу халқни улуғвор зафарларга чорлашга қодир бўлган маҳоратли етакчидир. Шу боис, тарихда шахс омилини, жамоа ва жамиятга хос хусусият бўлган этник шаклланиш жараёнларини ўрганиш тарихий онгнинг ривожига муҳим. «Тарих ва миллат: ҳаёлий ўтмиш ёки объектив ҳақиқат. Бу ерда биз маълум бир этник гуруҳни шакллантирувчи тарихий хотиранинг моҳияти ҳақида муҳим саволга мурожаат қиламиз»[2]. Албатта, тарих шакллантирувчилик ва ривожлантирувчилик моҳияти билан қадрли. У биринчи навбатда ўтмишга эҳтиромона муносабат ёки ўтмиш тажрибаларидан сабоқ чиқариш хусусиятини шакллантирса, иккинчидан тарихий тафаккурга асосланган ҳолда ўзликни англашни ривожлантириб боради.

Туркий халқларнинг тарихий тафаккурида кўчманчилик ва ўтроқ турмуш тарзи ҳосиласидан иборат «Туркий цивилизация» ҳақидаги ғоялар мустаҳкам ўрин олиб, ушбу цивилизация куртаклари милoddан олдинги X-V асрлардаги сак-скиф қабилалари фаолияти билан боғлиқ. Туркий цивилизациянинг такомил босқичлари эса милoddнинг дастлабки асрларидан IX асргача бўлган давр (дастлаб хунлар, сўнгра Турк ҳоконлиги даври)ни

қамраб олади. Айрим манбаларда туркларга хос бўлган кўчманчилик турмуш тарзини алоҳида тамаддун сифатида талқин этиш ҳоллари ҳам мавжуд. Лекин, ушбу жиҳат яхлит туркий цивилизациянинг етакчи элементи сифатида аҳамиятли.

Албатта, «Кўчманчилик цивилизацияси» инсониятга ўтов шаклидаги гумбазли иншоотлар, йилқичилик маданияти, қимиз тайёрлаш ва ҳоказо ютуқларни берган ўзига хос тамаддун бўлиши билан бир қаторда, муайян тарих, урф-одат, анъана ва маънавиятни ўзида мужассам этувчи цивилизация сифатида эътиборлики, ушбу жиҳат жаҳон ижтимоий-сиёсий ва маданий саҳнасида туркий тарихий антропологиянинг барқарорлигини тасдиқлашда ҳам муҳим. Тарихий давлатчилик қадриятлари ҳам бунини тасдиқлаб турибди.

Милoddнинг V асрида яшаб ўтган Византия элчиси ва тарихчиси Приск шундай деган экан: «Баъзи дарёлардан ўтиб, қачонлардир Аттила саройи жойлашган улкан бир қишлоққа етиб келдик, сарой қолдиқларидан у ёғоч ва тахталардан моҳирлик билан қурилганлиги билиниб турипти. Шоҳ саройининг томи чодирлар билан ёпилган бўлиб, томлари миноралар ва минорачалар билан безатилган. Мана туркий меъморчилик! Европа бундай меъморчилик ҳақида билмас эди. Приск эса уни кўрган европаликлардан бири эди» [3]. Бундай меъморчилик обидаларининг туркий цивилизацияга мансублиги Приск тимсолида илк ўрта асрларда яшаб ўтган Европа тарихчилари иқроридан ҳам маълум.

Муайян тарихий даврда мавжуд маданиятлар ҳосиласидан иборат бўлган цивилизациянинг такомил босқичларида давлатчилик элементларини ўзида мужассамлаштирган сиёсий бирликлар муҳим ўрин эгаллайди. «Баъзи сиёсий уюшмалар кичик бир бекликдан йирик империя даражасига ўсиб чиққан. Хунлар, Турк ҳоконлиги, Мўғул (Чингизхон) империяси ва Темурийлар салтанати йирик империяларнинг ёрқин намуналари бўлиб, улардан деярли барчаси Марказий Евроосиё минтақасининг аксарият қисмида ўзларининг ҳокимиятини ўрнатишлари баробарида ўз даврининг дунёдаги энг қудратли давлатлари даражасига чиқишган» [4]. Шунини ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозимки, X-XX асрлардаги барча туркий давлатлар VI-VIII асрларда

фаолият кўрсатган Турк ҳоконлиги қурган асосларнинг устида барпо этилганлиги билан ҳам тарихий аҳамияти юксак. Шу боис, Турк цивилизацияси ривожда милоднинг VI-VIII асрларида турклар фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳарбий-сиёсий жараёнларнинг ўрни муҳим. Зеро, тарихий илдизнинг теранлиги миллий-сиёсий салобатнинг юксаклигини таъминловчи омилдир.

Қадимги турклар ўтроқ маданият ривожига ҳисса қўшиб келганлиги ҳам тарихий-археологик маълумотлардан маълум. Турклар мохир металлургия сифатида темирни эритишни ихтиро қилиб, ундан зарурий воситалар ясашни йўлга қўйди. Металлга ишлов бериш турклар моддий ҳаётидаги тараққиётни жадаллаштирди. Ва бундай ихтиролар инсоният томонидан ўзлаштирилиб, башарият мулкига айлана бошлади.

Туркий халқлар аجدодларига хос бўлган ушбу жиҳатларни моддий ёдгорликлар тасдиқлайди. Албатта, тарихий манба сифатида ёдгорликларни илмий жиҳатдан ўрганиш XVIII ва XIX асрларда илмий жамоалар орасида анъанага айлана бошлади. Ушбу мақсад билан 1889 йилда Россия География Жамиятининг Шарқий Сибир бўлими ўзининг аъзоси Н.Ядринцевни Мўғулистонга юборганда, у Ўрхун водийсида Енисей битикларига ўхшаш битикларни топган. Албатта, бу давргача Енисей ҳавзасида худди шундай белгилар билан нақшланган ўнлаб битиклар топилган эди. 1891 йилда В.В.Радлов бошчилигидаги экспедиция Мўғулистондаги Ўрхун воҳаси битикларини ўрганиб чиқди. 1893 йилнинг ноябрида Дания олими Вилгельм Томсен Ўрхун-Енисей ҳарфлари талқинига эришди. Яъни, асрлар давомида сирли моҳият касб этиб келган белгиларни тилга киритиб, айтиш мумкинлиги, алфавитига мулоқот воситаси сифатида руҳ бахш этди. В.Томсен ихтиросига суянган ҳолда Россияда В.В.Радлов биринчи бўлиб йирик битикларни таржима қилиб, сирли битиклар моҳиятини очиб берди.

Даниялик олим Вилгельм Томсен 1893 йил 15 декабрида ушбу битик ёдгорликларини аниқлаш бўйича ишларни якунлаганлиги ҳақида академик жамоага илмий ҳисобот берди. У билан бир вақтда Россияда В.Радлов матнлар моҳиятини талқин этишда машаққатли, шунинг баробарида шарафли ишларни олиб бориб, туркий қадриятлар намуналарини тилга киритиб, текстологик мазмунини талқин этди. Ўрхун битиктошларида аجدодларимизнинг туркий давлатни шакллантириш ва уни юксалтиришдаги машаққатлари ва заҳматли курашлари тасвирланганлиги билан эътиборни тортади. Иккинчи Турк ҳоконлиги (682-744 йй.) даврига оид маълумотлар эътиборли. Унда аждодларимизга хос бўлган ҳислатлар

тўғрисида тадқиқотчилар шундай фикрларни илгари суришади: «Элтериш ҳоконнинг Марказий Осиёда туркий давлатчилиқни тиклашдаги роли аён. У Билга ҳоконнинг отаси бўлиб, унинг номи Билга Ҳокон ва Кул тегин ёдгорликлари битикларида унинг энг яқин шериги ва маслаҳатчиси бўлган Тўнюкук билан бир неча бор тилга олинади. Шунингдек, у Онгин битигида кўп маротаба эслатиб ўтилган. Ҳеч шубҳа йўқки, тарихий аҳамияти жиҳатидан Элтериш ҳокон Биринчи Турк ҳоконлиги (552-603 йй.) асосчилари Бумин ҳокон ва Истами ҳоконлар билан бир сафда туради. Айнан шунинг учун ҳам кучли рақибларга қарши фаол қуроли кураш иқтисодий ва маданий иттифоқ шакллари билан излаш билан бирлаштирилиши – бу ақл бовар қилмас ҳодисадир» [5].

Тарихий қадриятлар тўғрисида тўхталар эканмиз, ўтмишдаги воқеа-ҳодисалар таъсирида шаклланиб, сайқалланиб, мукаммал характер касб этиб келган ижтимоий-маданий қиёфа ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим. Зеро, ҳар қандай халқ ёки миллатнинг жаҳон халқлари орасида тутган мавқеини ҳам, тарихий тадрижий жараёнлардаги муваффақияти, ғалабаси ва мағлубиятини таъминловчи омил ҳам миллатга хос бўлган умумий маданий-маънавий кўринишлардир. Ҳар бир шахсга хос бўлган маънавий доимий ва турғун моҳиятга эга бўлгани каби миллий маънавий ҳам статик ва барқарор моҳиятга эгадир. Европа халқларини Осиё халқлари билан миллий маънавий жиҳатидан тенглаштириб бўлмайди, албатта.

Умуман олганда, инсониятнинг тарихий ривожланиш босқичларида этник шаклланиш жараёнлари, Турк ҳоконлигининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, этноижтимоий ва маданий жиҳатларнинг тадрижий тақомили, умуминсоний маданиятга қўшган ҳиссаси каби жиҳатларни ўрганиш муҳим бўлиб, бу табиий равишда тарихий қадриятларга эътиром ҳиссини юксалтириб, ўзлиқни англашнинг ривожига хизмат қилади. Демакки, бир томондан тарихий онгнинг юксалишини таъминласа, иккинчи томондан этник ўзига хос жиҳатларни таҳлил этиш орқали миллатга хос бўлган умумийликка эътибор қаратиш ҳамда ушбу жиҳатларнинг барқарор моҳиятини таъминлаб бориш – бугунги фуқаровий умумийлик сари интилаётган жамият шароитида муҳим.

Ижтимоий-маданий тараққиётни юксалтиришда, чунончи тафаккурни бойитишда турк рунологиясини ўрганиш муҳим. «Фақатгина кўп сонли ёдгорликларни таққослаш ва тафаккур қилиш орқали, ёки бир пайтлар ер юзида яшаган халқлардан қолган кўплаб ёдгорликларни солиштириш натижасида биз антик даврнинг тарихий зулмати ёритилишига умид қиламиз – ўша

кадимий замонлардаги одамларнинг урф-одатлари ва ақлий қобилиятларини билиш ва ниҳоят улар онги ва табиий иқлим орасидаги ўхшашлик билан билишга эришамиз» [6]. Албатта, антик даврни ўрганиш бугунги миллий тафаккурнинг ривожига хизмат қилувчи дастлабки поғона сифатида қаралмоғи лозим. Шу боис, Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари илк ўрта асрларда туркий халқларнинг тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиши билан бир қаторда, тафаккур имкониятлари ҳақида хулоса чиқаришда етакчи ўрин тутди. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томондан ёдгорликлардаги битиклар моҳиятини талқин этиш жамият аъзоларида тарихий онгнинг юксалишини таъминлаб боради.

Тарихий онгнинг ўзликни англашдаги ўрнига урғу бериш зарур. Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари тарихий қадриятлар манбаси бўлиб, аввало туркийлар тарихини далилловчи ёдгорлик сифатида аҳамиятли. Ушбу ёдгорликларда бирлик ва жипсликни таъминлаш – ҳар қандай муваффақиятнинг асоси эканлиги ғояси устувор эканлиги, ўзаро низо, рақобат ва хусумат барқарор тараққиётга раҳна солувчи салбий хусусият сифатида афсус ва надомат билан ифодаланади.

Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари моҳиятига эътибор қаратгудек бўлсак, демак, ҳар қандай ютуқнинг асосида умумий муваффақиятни таъминлашга йўналтирилган яхлит фаолият ётади. Ва бундай умумийлик ижтимоий-маданий ривожланишни таъминлаб боради. Турк ҳоконлигининг фаолияти ҳам бевосита ўзаро бирлик ва яхлитликнинг ҳосиласи эди. «Маданий унсурлар, қариндошлик алоқалари, кўчманчилик иқтисодиётига асосланган умумий ҳаёт тарзининг асоси туркий кўчманчи жамиятнинг ижтимоий бирлигини таъминлади» [7]. Унда ўзаро бирлик ва ҳамжихатлик барча муваффақиятларнинг асоси сифатида эътироф этилиб, этник консолидациялашув жараёнлари туркий халқлар бирлашувида етакчи омил сифатида майдонга чиққанлиги кузатилади. Умуман олганда, ижтимоий-тарихий жараёнлардаги бунёдкорлик ва муваффақиятларнинг барчаси ўзаро бирлашув ва яхлитликнинг ҳосиласидир.

Ўрхун-Енисей тошбитиклари тарихий манба бўлиши билан бир қаторда уларнинг тарбиявий моҳияти шундан иборатки, бугунги кунда ҳам туркий халқларнинг ўзаро бирлиги, ҳамжихатлиги, ижтимоий-маданий ҳамкорликлари муваффақиятларни таъминлаш омили сифатида муҳим эканлиги заруратини ижтимоий тафаккурга сингдириб туради. Зеро, «Маълумки, инсоният тарихининг ҳозирги босқичи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида интеграциялашув ва интенсивлашув билан

характерланади» [8]. Ва бу ҳамкорлик жараёнлари ҳар қандай тараққиётнинг бош омили сифатида ўзлигини намоён этади. Инсоният, шунингдек туркий халқлар тадрижий такомилдаги ривожланиш ўзаро яқдилликнинг ҳосиласидир. Шу боис, янгиланаётган Ўзбекистон шароитида республика раҳбарияти томонидан туркий халқларнинг, жумладан минтақа аҳолисининг ҳамкорлигига асосий эътибор қаратилаётганлиги, унда миллий манфаат билан бир қаторда умумтуркий манфаатни ҳам етакчи ўринга қўйилаётганлиги турк суперэтносини ташкил этувчи миллатларнинг ижтимоий-маданий яхлитлигини таъминлашга қаратилган интилишлар сифатида баҳоламоқ лозим. Зеро: «Ота-боболаримиз неча асрлар мобайнида шу бепоён минтақада қандай ҳамжихат бўлиб, қандай қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам, таъбир жоиз бўлса, тарих ва ҳаёт гардиши, табиатнинг ўзи бизни – бутун Ўрта Осиё халқларини айнан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечиришга даъват этмоқда» [9].

Бугунги тафаккурдаги янгиланишлар шароитида ўзликни англаш хусусиятини ривожлантириш муҳим. Бунинг учун тарихий тафаккурни юксалтириб, илк ўрта асрларда, хусусан VI-VIII асрларда яшаган туркларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, маданияти тўғрисидаги ҳаққоний қарашлар асосида жамият тафаккурини юксалтириш лозим. Қадимги туркларнинг ментал киёфаси, урф-одат ва анъаналари, лисоний умумийлиги туркий миллатларнинг прото-туркий хусусияти ва бугунги умумийликни ифодаловчи тадрижий тараққиёт занжиридаги боғловчи халқа сифатида туркологиянинг диахроник (тил билан алоқадор воқеалар ривожига тарихий-тадрижий ёндашув) моҳиятини ҳам ўзида мужассам этади. Яъни туркий халқлар тарихи яхлит манбадан озиқ олиб, умумий тил, умумий тафаккур ворислари сифатида бир-бирини қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Шу боис, туркийшунослик фақатгина филологик муаммолар мажмуидан иборат бўлмасдан, тарих ва фалсафий муаммолар ечими билан шуғулланган тақдирдагина ўзининг мукамал моҳиятини намоён эта боради.

Туркий халқларнинг илк тарихи ҳақида гап кетганда бу борадаги дастлабки маълумотларни хитой манбаларидан, яъни уларнинг илк тарихий даврларга оид хронологик маълумотлари, саёҳатчилари томонидан қолдирилган ёзма ахборотлардан топсакда, лекин ҳақиқий турк тарихининг илк ёзма ёдгорликлари бевосита Ўрхун-Енисей битиктошларида тарихий контекстда ҳаққоний ифодаланганлиги билан эътиборли. Ва бу манбалар Туркология фанининг жаҳон миқёсида шаклланишини таъминлаб, фаннинг

асосчиси сифатида ушбу битиктошлардаги мазмун-моҳиятни тўлалигича талқин этган таниқли туркийшунос В.В.Радлов эътироф этилди. Лекин Хитой манбалари, яъни йилномалари ва ўтмиш воқеаларини акс эттирувчи тарихий маълумотлари таққосланган ҳолда, танқидий усулда ўрганилганда туркий қабилалар тарихи ҳақида муҳим маълумотларни беришини ҳам инкор этмаслигимиз лозим.

Қадимда турклар жуда кенг ҳудудда истиқомат қилган бўлиб, аجدодларимизга хос бўлган маданий ёдгорликлар улар яшаган ва бугунги кунда уларнинг авлодлари яшаб келаётган ҳудудларда учрайди. «...туркий халқларнинг илк ватани жуда кенг минтакаларни ўз ичига олган. Ана шу кенг минтакалар таркибига Ўрта Осиё ҳудудлари, биринчи навбатда, Ўзбекистон сарҳадлари ҳам кирган. Ҳозирги тасаввурларда бу қадимги прототурк ва туркий этномаданий майдон адабиётларда Евроосиё чўллари деб номланади. Унинг ҳудудий доираси жуда кенг. Ғарбда Қора денгизнинг шимолий-шарқий соҳилларидан Шарқда то жанубий Байкалгача, ички Мўғулистонгача чўзилган чўл ва дашт минтақаларидан иборат. Унинг шимолий чегараси Урал дарёси ва ундан ҳам шимолроққа, фин-угор қабилалари ўрмонларигача кириб боради. Урал тоғи ва унинг жанубий-шарқий тизмалари қадимдан то сўнгги ўрта асрларгача туркий қабилаларга тегишли бўлган» [10]. Бундай улкан ҳудудда истиқомат қилиб, қадимги турклар ўз авлодларига кенг этномаданий майдонни тарихий ва ижтимоий-маданий жараёнларни ўз бағрида акс эттирувчи тадқиқот ҳудуди сифатида қолдирдики, уни тарихий-маданий макон сифатида тадқиқ этмоқ муҳим. Бу маконнинг тарихий илдизлари сак-скиф ва хунлар даври билан боғлиқ бўлиб, Турк ҳоконлиги шароитида янада мустаҳкамланди.

Юқорида эътироф этилган концептуал жиҳатлардан келиб чиқиб, турк рунологиясини ўрганиш ва тарғиб этишнинг истиқболли қирралари сифатида қуйидагиларни илгари суриш мумкин:

биринчидан, туркий халқларнинг ягона шаклланиш тарихи бўйича илмий-тадқиқот ишлар илм-фан ривожини таъминлаши билан бир қаторда бу соҳада этноижтимоий-маданий жараёнлар узлуксиз кечган ҳудуд – Ўзбекистон омилининг етакчилик моҳиятини белгилайди;

иккинчидан, тарихий тафаккурнинг юксалишида турк рунологиясининг ўрни каби масалаларни тадқиқ этиш умумтуркий тарихий муаммолар ечимида оптимал моҳият касб этиши туркий халқлар орасида азалий қариндошлик ҳамда дўстлик ришталарининг янада мустаҳкам бўлиши учун ретроспектив характердаги илмий-назарий шарт-шароитларни яратиб боради;

учинчидан, турк рунологиясининг шаклланиш жараёнини тадқиқ этиб, Евроосиё этнослари ёзма тараққиётида шарқ ва ғарб график қадриятларининг ўзаро симбиозлигини, яъни уйғунлигини, бунда қадимги турк битикларининг тарихий илдизлари милоддан олдинги минг йилликларга бориб тақалиши таҳлилий ва таққосий материаллар асосида исботланганлиги миллий туркийшуносликнинг ривожини таъминлаш билан бир қаторда қадимий туркий тошбитикларнинг тарихий аҳамиятини ҳам кўрсатади;

тўртинчидан, умуминсоний қадриятлар тадрижий тақомилида турк рунологиясининг ўрни, маданий цивилизациялашув жараёнларини таъминлашда тошбитикларнинг аҳамиятини фактик маълумотлар асосида исботлаш тарихшуносликнинг янги концептуал қарашлар билан бойишининг таъминланганлигини далиллайди;

бешинчидан, қадимий тошбитикларда тасвирланган илк турк алфавитининг аجدодларимиз маънавий мулки эканлигини исботлаш, унда қадриятларимизнинг акс этганлигини, хусусан руник алфавит ва туркий тамғаларнинг ўзаро алоқадорлик масалаларининг исботланганлиги ижтимоий-маданий анъаналарнинг ворисийлик асосида тадрижий ривожини кўрсатиб, бу тамғалар (энлар)нинг айримлари этноижтимоий ҳаётда бугунги кунда ҳам мавжудлигини кўрсатиб ўтиш қадриятларимизнинг давомийлигини исботлайди.

Жаҳон илмий тараққиётида турк рунологиясига муносабат масалаларини тадқиқ этиш, хусусан ғарб туркийшунослиги тизимида, собиқ иттифоқ шароитида ҳамда бугунги кундаги илмий тараққиётда туркий тошбитикларга муносабат масалаларини ўрганиб, илмий жамоатчиликка талқин этиш – миллий туркийшунослик тарихини ўрганишнинг позитив жиҳатларини далиллайди.

Қадимий тошбитикларда эл бирлигини таъминлаш муаммолари, ўзаро яхлитликка эришишда турк рунологиясидаги ғоялар талқини, хусусан элпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари тарғиби – ўзининг тарихий аҳамияти билан бир қаторда бугунги кунда ҳам туркий халқлар мансуб бўлган жамият аъзолари, айниқса ёшлар орасида юқорида таъкидланган ғоялар тарғиби ва тарбиясини таъминлайдики, туркий халқларнинг бугунги ижтимоий-маданий ҳамкорлиги ривожланаётган шароитда бу ўта муҳимдир.

Минтақанинг ҳар-бир миллий давлатига хос бўлган миллий тараққиётнинг ғоявий асосларини ифодаловчи ғоя жамият аъзолари тафаккурида иммунитетни, Ватан тақдири учун масъуллик ҳислатларини ривожлантириб боради. Бу ижобий омил. Шунинг билан бир

каторда туркий халқларни бирлаштирувчи «Умумий тарих тарғиби асосида ижтимоий-маданий ҳамкорлик – интеграциялашув асоси» мазмунидаги умумтуркий ғоя ҳам илгари сурилиши лозимки, бундай ғоя халқларимизнинг бирлашиши ва қон-қариндошлик хислатларининг барқарор ва давомий моҳиятини таъминлашда зарурий омил бўлиб хизмат қилади.

Рун ёдгорликларининг ривожланиш босқичи Иккинчи Турк ҳоконлиги (682-744 йй.) вужудга келган даврга тўғри келиши бежиз эмас. Гарчи Турк руникаларининг шаклланиш босқичи милoddан олдинги IV-III асрлар билан алоқадор бўлсада, битикнинг мукамал шаклини касб этиши учун унинг тадрижий босқичи X асрдан кўпроқ даврни эгаллади. Битик дастлаб маиший сопол буюмларда ифодаланиб, сўнгра эпитафик шаклдаги ривожланиш босқичини ўтган бўлсада, улкан тошларда йирик мазмунли матн сифатида Иккинчи Турк ҳоконлиги шароитида ўзининг мукамаллик чўққисига етди.

Турк рунологиясини ўрганиш ва тарғиб этишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти шундан иборатки, у XIII-XV аср олдинги тарихий жараёнларни хронологик изчилликда идрок этиш имконини беради. Илк ўрта асрларда чорвадор турклар ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги мураккаблик уларнинг онгида табиий ўзгаришларни келтириб чиқарди, улар бошқа кадриятлар қаторида эркинликни эъзозлаб, ўзларининг озод давлатчилигини яратиш пайида бўлиб, сиёсий-ҳарбий етакчилар тарқок қабилаларни бирлаштиришга интилдилар. Бунинг учун пароканда элни жипслаштирувчи – Мангу Эл ғоясини ўртага ташлаб, муваффақият ва барқарорликни таъминлаш учун ғоявий имкониятлар сафарбар этилди. Мангу Эл ғояси давр ўзгаришлари ва туркий ментал хусусиятларни мужассамлаштирган ҳолда ёдгорликлар матнларида акс эттирилганлиги эътиборлидир. Руник битикларни нафақат қадимги тил ёки битикнинг манбаи сифатида, балки туркий тилли халқларнинг умумий ва ягона тарихий илдизи сифатида ўрганиш ўзлгимизни англаб, туркий халқларнинг бирлигини мустаҳкамлашда муҳим.

С.Е.Малов (1880-1957 йй.): «Мен қўлимдан келганини қилдим ва бундан яхшироғини эса қудратлилар қилишсин. Ҳали кўп иш бор» [11], - деган эди. Туркийшунос олим ҳақли таъкидлаганидек, бу соҳада қилинадиган ишлар жуда кўп бўлиб, ҳар бир тадқиқотчи ўз тафаккур имконияти даражасида ёндашиб, тадқиқотларнинг қолган қисми кейинги изланувчиларини кутиб қолаверади. Зеро, илмнинг кадрият сифатидаги моҳияти ҳам унинг давомийлигида. Давомийлиги таъминланмаган илм тўхтайдди. Тадқиқотчиларнинг зиммасидаги асосий

вазифа илмнинг ҳали очилмаган янгидан-янги қирраларини кашф этишдир.

Қадимги, илк ўрта асрлар ва ўрта асрлар турклари тўғрисида кўплаб тадқиқот ишларини амалга ошириш лозим. Зеро, миллий тарихнинг муҳим компонентлари ушбу даврларга хос бўлиб, ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Тарих саҳнасида турк баҳодирлари инсоният давлатчилиги цивилизацияси ривожини таъминлаб келган экан, ушбу жиҳатларни тадқиқ ва тарғиб этиш муҳимдир.

Француз файласуфи ва битикчиси Шарл-де Монтескье (1689-1755 йй.) туркларни татар сифатида ифодалаб, турклар ҳақида шундай деган эди: «Шон-шуҳрат ва буюк истилолар бобида дунё халқларининг биронтаси ҳам татарларга (туркларга – Н.Н.) тенг келолмаган. Бу халқ – жаҳоннинг ҳақиқий ҳукмдоридир: бошқа барча халқлар гўё унга хизмат қилиш учун яратилгандай. Бу халқ империялар яратувчи ва империяларни махв этгувчидир: у барча замонларда жаҳонга ўзининг қудратини намоён қилиб келган... Татарлар икки марта Хитойни истило қилдилар... улар Буюк Мўғул империяси деб аталган чексиз-чегарасиз ҳудудларда ҳукмронлик қилишмоқда» [12]. Буюк файласуф ҳақли таъкидлаганидек, буюк империялар туркларнинг номи билан боғлиқ. Ёки, туркий омилни тарихдаги барча йирик империялар таркибида қўрамиз. Жумладан, Европа мамлакатларида хунларнинг ўрни, Хитой империясида тадрижий босқичларида (милoddан олдин ва милoddнинг илк асрларида туркларнинг табғачлар таркибида ассимиляциялашув жараёнлар, VIII асрларда Ан Лушань бошчилигидаги Тан империясидаги турклар ва сўғдийлар қўзғолонининг енгилиши натижасида туркларнинг хитойлашуви), Ҳиндистонда Бобурийлар, Эронда давлатчилик асосларини мустаҳкамлашда туркий династиялар (Салжукийлар, Қоҗарийлар), Рус империяси (империя асосини мустаҳкамлашда Олтин Ўрда омили ва татарларнинг ўрни) мустаҳкамланишидаги тадрижий босқичларда тарихий туркий омилнинг ўрни сезиларли. Инсоният тараққиётидаги давлатчилик асослари бевосита тарихий туркий тажрибадан озикланиши исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Шу боис, ёшларни тарихий кадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашда туркий омилнинг инсоният давлатчилиги тадрижий такомилидаги ўрни масалаларига эътибор қаратиш ёшларда фахр-ифтихор ҳиссининг ўсишига хизмат қилади. Бугунги маънавий янгиланишлар шароитида ёшларда интеллектуал салоҳиятни юксалтириш орқали уларда Ватан ва элга содиқлик хислатларини ривожлантириш лозим. Албатта, интеллектуал салоҳиятни тарихий тафаккурсиз тасаввур этишнинг имкони йўқ. Шу нуқтаи-назардан жамият

аъзолари, хусусан ёшларда ватанпарварлик ва элпарварлик хислатларининг ривожига хизмат қилувчи тарихий тафаккурни ўстиришда турк рунологиясидаги ҳикматларни қадрият

сифатида ўрганиш ва уларни тарғиб этиш – туркий бирликнинг етакчи компоненти сифатида ўзлигимизни англашда муҳим.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Том 8. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти, 2004. – 274 б.
2. Исхаков Д.М., Измайлов И.Л. Этнополитическая история татар. – Казань: Школа, 2007. с. 7.
3. Теория «кочевых цивилизаций» создана политиками <http://uhhan.ru/news/2019-02-05-16468>
4. Бобоёров Ғ. Ғарбий турк ҳоқонлигининг давлат тузуми. – Тошкент: Yanginashr, 2018. – 25 б.
5. Щербак А.М. Тюркская руника: происхождение древнейшей письменности тюрков. – Санкт-Петербург: «Наука», 2001. – с. 87.
6. Спасский Г. Древности Сибири // Сибирский вестник, издаваемый Григорием Спасским. 1818. Часть первая. – Санкт-Петербург. В типографии Иос Иолинесова, 1818. – с. 67.
7. Ганиев Р.Т. Восточно-тюркское государство в VI-VIII веках. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2006. – с. 124.
8. Миллий ғоя – хавфсизлик ва барқарорлик омили / М.Жакбаров ва бошқ. – Тошкент: “Turon zamin-ziyu” нашриёти, 2014. – 9 б.
9. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 558 б.
10. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – 264 б.
11. Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1952. – с. 3.
12. Монтескье Ш. Персидские письма. – М.: 1956. – с. 198.

Ўрхун-Енисей битикларининг тарихий аҳамияти Назаров Н.

Чирчик давлат педагогика университети

Ушбу мақолада қадимги турк ёзуви бўлган Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари, унинг моҳиятини талқин этишнинг тарихий аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Ёзув матнларидан мисоллар келтирилиб, уларнинг мазмунига эътибор қаратилади. Турк рунологиясини ўрганиб, ундаги ғояларни тарғиб этиш механизмлари илгари сурилиб, тарихий ғоялар асосида миллий ва умумтюркий тафаккурни юксалтириш ҳамда ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлаш аспектларига урғу берилади. Туркий цивилизация ҳақида атрофлича тўхталиб, ушбу маданий жараёнларнинг илк босқичлари милoddan олдинги X-V асрлар билан боғлиқлиги ҳақида сўз юритилади. Ушбу цивилизация кўчманчилик ва ўтроқ маданият ҳосиласидан иборат эканлиги ғоялари илгари сурилади. Ҳамда туркий цивилизация турк ҳоқонлиги шароитида ўзлигини намоён этганлиги, шу боис, унинг тадқиқ этилиш босқичлари ҳақида таҳлилий маълумотлар берилади. Шунингдек, турк рунологиясини ўрганиш ва тарғиб этишнинг истиқболли қирралари тадқиқ этилади.

Историческое значение Орхон-Енисейских надписей Назаров Н.

Чирчикский государственный педагогический университет

В данной статье рассматривается историческое значение интерпретации Орхон-Енисейских письменных памятников древнетюркской письменности. Приведены примеры из написанных текстов и уделено внимание их содержанию. Выдвигается изучение тюркской рунологии, механизмов пропаганды ее идей, делается акцент на аспектах поднятия национального и общетюркского мышления и обеспечения взаимопонимания на основе исторических представлений. Касаясь подробно тюркской цивилизации, говорится, что первые этапы этих культурных процессов связаны с X-V веками до нашей эры. Выдвигается мысль о том, что эта цивилизация является продуктом кочевой и оседлой культуры. Также о том, что тюркская цивилизация проявляла себя в условиях тюркского каганата, поэтому дана аналитическая информация об этапах ее изучения. Также исследуются перспективы изучения и популяризации тюркской рунологии.

The historical significance of the Orkhon-Yenisei inscriptions Nazarov N.

Chirchik State Pedagogical Universities

This article discusses the historical significance of the interpretation of the Orkhon-Yenisei written monuments as a ancient Turkic writing. Examples from written texts are given and attention is paid to their content. The study of Turkic runology, mechanisms for promoting its ideas is put forward, emphasis is placed on aspects of raising the national and general Turkic thinking and ensuring mutual understanding based on historical ideas. Referring in detail to the Turkic civilization, it is said that the first stages of these cultural processes are associated with the X-V centuries BC. The idea is put forward that this civilization is a product of a nomadic and sedentary culture. It is also about the fact that the Turkic civilization manifested itself in the conditions of the Turkic Khaganate, therefore, analytical information is given about the stages of its study. The prospects for the study and popularization of Turkic runology are also explored.

БАСПА СӨЗДИҢ МИЛЛЕТЛЕР АРАЛЫҚ ТАТЫҰЛЫҚТЫ ҚӘЛІПЛЕСТИРИҮДЕГІ ХЫЗМЕТІ (Наўрыз улыўма халықлық байрамы мысалында)

Муратбаева А.Б.

*Өзбекстан Республикасы Илимлер академиясы Қарақалпақстан бөлими
Қарақалпақ гуманитар илимлер илим-изертлеу институты, Нөкис қаласы*

Шығыс халықларының ең әйемги хәм муқаддес байрамы болған Наўрыз байрамы халықларды дослық хәм бирликке шақырыўшы улыўма халықлық байрам есапланады. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев билдиргениндей, «Халқымыздың әйемги тарийхы, бай мәденияты хәм бийбаха қәдириятларын өзінде айқын жәмлеген, ана тәбият хәм адамлардың руўхыятында жүз беретугын жасарыў, жаңаланыў хәм раўажланыўларды әсирлер даўамында толық көрсетип киятырған Наўрыз байрамы ең қәдирли миллий байрамларымыздың бири болып есапланады» [1].

Әйемги дәуирлерден баслап Наўрыз байрамының халқымыз тәрәпинен байрамланыўы хәм оның әҳмийети ҳаққында зардуштийлик дининиң муқаддес китабы «Авесто»да, Абу Райхан Берунийдиң «Өтмиш әўладлардан қалған естеликлер» хәм Омар Хайямның «Наўрызнама» китапларында баҳалы мағлыўматлар келтирилген. Атап айтқанда, Омар Хайямның «Наўрызнама» китабында қуяш календары тарийхын баян етиў арқалы Иран патшаларының Наўрыз күнин қалай белгилегени хәм байрамды өткерий тәртиби айтылған. «Үлкен жылдың төрт бөлеги өткенде үлкен Наўрыз болады хәм дүньяның халаты жаңаланады. Патшалардың бир әдети бар: жыл басында олар жақсылыққа пәтўа берий хәм сәнелерди белгилеў хәмде турмыс кеширий ушын белгили мәресимлерди өткерийи зәрүр. Кимдур Наўрыз күни байрам қылып қуғанса кейинги Наўрызға шекем шадланып жүреди хәм тоқшылықта жасайды» [2].

Халқымыздың миллий қәдириятларын хәм мәдениятын көрсетиўши Наўрыз байрамына мүнәсибет хәр түрли дәуирлерде өзгерип турған. Атап айтқанда, бурынғы Аўқам дәуиринде Наўрыз байрамы рәсмий байрамлар қатарынан шығарылып, хәтте оны ескилик сарқыты, диний байрам сыпатында өткерий қадаған етилген. «Наўрыз өткерилетуғын орынларға алып барыўшы жоллар совет милиция хызметкерлери тәрәпинен жаўып қойылды. Дәрбазлардың дәплери қулатып тасланды. Айырым коммунистлик басшылар болса Наўрыз байрамын байрамлап атырғанлардың байрамның сыйлы тағамы – сүмелек қайнап атырған қазанларын аўдарып таслаған» [3] – деп жазады Наманганлы авторлар Исаковлар.

Мәмлекетимиз еле ғәрезсизликке ериспеген

дәуирлерден баслап-ақ биринши Президентимиз И.А.Каримов басламасы менен миллий қәдириятларымызды, әсиресе, Наўрыз байрамын қайта тиклеўге хәрәкет етилди. «Президентимиздиң 1990-жыл 3-майдағы пәрманына муўапық Наўрыз улыўма халықлық байрамы, 21-март дем алыс күни деп жәрияланды. 1991-жыл 12-февраль күни болса Республикада Наўрыз улыўма халықлық байрамына таярлық көрий хәм өткерий ҳаққында ӨзССР Президенти Ислам Каримовтың пәрманы жәрияланды» [4].

Халқымыздың әйемги үрип-әдетлери, миллий дәстүрлери, қәдириятлары қайта тикленди хәм халық аралық дәрежеде тән алынды. Наўрыз байрамы ЮНЕСКО тәрәпинен 2009-жыл 30-сентябрь күни инсанияттың материаллық емес мәдений мийрасы дизимине киритилди. Сондай-ақ, БМШ Бас Ассамблеясының 2010-жыл 19-февраль күнги 64-сессиясында 21-март сәнесин «Халық аралық Наўрыз күни» сыпатында байрамлаў ҳаққындағы қарары қабыл етилди.

Наўрыз байрамы мәмлекетимизде жасап атырған барлық миллет ўәкиллери ушын улыўмалық байрам болып есапланады. Әсиресе, байрам сейиллеринде түрли миллет ўәкиллериниң өз миллий мәдениятын көрсетиўи халықлар арасында дослық хәм өз-ара хұрмет орталығын беккемлемекте. «Наўрыз байрамы, хеш гүмансыз, көплеген халық байрамларының хәм атасы хәм анасы есапланады. Әсирлер баўырынан қыйналып жетип келген жүдә үлкен шадлық байрамының ең әҳмийетли пазыйлети соннан ибарат, байрам ең дәслепп, хәр түрли топарларға (класларға) тийисли болған, миллетине қарамастан барлық адамларды өз-ара жақыналастырады, ағайинлестиреди хәм досластырады» [5].

Наўрыз байрамының сыйлы тағамы – сүмелек болып есапланады. Тағамның таярланыўы процесси көпшиликтиң қатнасыўында хәм узағырақ ўақытта тайын болғанлығы ушын мәхәллелерде үлкен бир қазанға писириледи. Мәхәлледе жасаўшы барлық миллет ўәкиллери аўызбиршиликте сүмелек сейлине қатнасып келмекте. Бул сейиллер жәмийетимизде миллетлер аралық татыўлықтың беккемлениўине үлес қоспақта. «Сүмелек сейили әйемнен өз-ара татыўлық сезиминде тәрбиялап келген. Себеби сүмелек таярланатуғын жерге барлық адамлар бир

қысымнан дән алып келип, биргеликте тағам писирген, бир қазаннан таярланған аұқаттан хәммеси татып көрген» [6].

Мәмлекет Президенти тәрәпинен хәр жылы Наўрыз улыўма халықлық байрамына таярлық көриў хәм оны өткеріў хаққындағы қарары қабыл етилип, онда Наўрыз байрамы елимизде жасаўшы барлық миллет ўәкиллериниң улыўмалық байрамы екенлиги хәм оны баспасөзде жарытып барыў бойынша тапсырмалар бериледи. Усы шешимлер тийкарында хәр жылы «миллети, тили хәм динине қарамастан, хәр бир ўатанласымыз өзиниң хуқықлары менен мәплерин, қадир-қымбатын барған сайын терең аңлап атырған Жаңа Өзбекстан шараятында Наўрыз шын мәнисиндеги улыўма халықлық байрамға айланып, елимиз тәрәпинен үлкен көтериңкилик руўхта белгиленбекте» [7]. Сондай-ақ, Наўрыз улыўма халықлық байрамына таярлық көриў жумысларын хәм байрам илажларын хәр тәрәплеме сәўлелендирип барыў Өзбекстан Миллий мәлимлеме агентлиги, Өзбекстан Миллий телерадиокомпаниясы, «Дүнъя» мәлимлеме агентлиги хәм басқа да ғалаба хабар қуралларына жүкленеди.

Наўрыз байрамы сейиллериниң Республикамыздың барлық аймақларында көтериңки руўхта байрамланыўы Қарақалпақстан ғалаба хабар қуралларында кеңнен сөз етилип, жәмийетимизде миллетлер аралық аўызбиршиликти кең түрде үгит-нәсиятлаў жумысларын алып бармақта. Себеби хәр бир жәмийетте миллетлер аралық татыўлықты қәлиплестириўде ғалаба хабар қураллары, атап айтқанда, баспасөз әҳмийетли орын ийеллейди. Күнделикли басылымлар жәмийетте болып атырған ўақыяларды өз ўақтында жеткерип беріў менен бирге мәмлекетимизде жасаўшы түрли миллет хәм елатларға тийисли адамлар ортасында дослық, аўызбиршилиқ хәм өз-ара хұрмет орталығын беккемлеўге де үлес қоспақта. Бүгинги күнде усы бағдарда республикамызда 37 газета (солардан 5 республика, 15 районлық, 17 тараўлық газеталар), 6 журнал хәм Қарақалпақ хабар агентлиги қарақалпақ, өзбек, рус, түркмен, ингилис тилинде искерлик көрсетпекте [8].

Баспасөз бетлеринде миллетлер аралық татыўлық хәм кеңпейилликти үгит-нәсиятлаўшы материаллар “Өзбекстан - улыўма үйимиз”, “Өзбекстан - кеңпейил дияр”, “Туўысқанлығымыз мәңги болсын”, “Әдебий дослық - мәңги дослық”, “Мы – одна семья” хәм т.б. атамаларда турақлы түрде жәрияланып келеди. Әсиресе, Наўрыз байрамына байланысly таярланған санларында елимизде жасап атырған миллетлердиң үрип-әдет дәстүрлери менен республикалық байрам сейиллерине белсене қатнасыўына айрықша

итибар берилген. Бунда С.Жаниев, Т.Жәримбетова, Қ.Реймов, Ө.Өтеўлиев, П.Хожамуратова, Ә.Оразов сыяқлы журналистлеримиз миллетлер аралық татыўлық идеясын халқымыз санасына синдириўге өз үлесин қосып келмекте.

Журналистлеримиз информациялық жанрлар есапланған репортаж, интервью, эссе, очерк хәм т.б. формаларды пайдаланып, газета материалларын таярлап келмекте. Әсиресе, Т.Жәримбетова, С.Жаниевлердиң ўақыя орнынан таярлаған репортажлары хәм интервьюлериниң байрам сейилиндеги түрли миллет ўәкиллериниң миллий кийимлерде түсирилген сүўретлери менен бирге берилиўи газета оқыўшыларының итибарын өзине тартып ғана қоймастан миллетлер аралық татыўлық идеясын кең түрде үгит-нәсиятламақта.

Қарақалпақстан баспа сөзи тарийхында гиреўли орынға ийе болған “Еркин Қарақалпақстан” газетасы бул бағдарда кең хәм көлемли жумыс алып бармақта. Редакцияның Наўрыз байрамына бағышланған материаллары көбинесе репортаж формасында ушырасады. Бундай тенденция тек ғана «Еркин Қарақалпақстан» емес, басқа басылымларға да тән. «Еркин Қарақалпақстан»ның өзгешелиги берилип атырған материалардың көлеми хәм маштабы менен айрықшаланып турады. Мәселен, газета редакциясының Ташкент қаласындағы Абдулла Қадирий атындағы мәдениет хәм дем алыў бағында болып өткен сейил бойынша мақаласы жәрияланып, онда башқурт миллий мәдений орайының «Агидель» мәдений жәмәетиниң басшысы Эмма Магиярованың «Наўрыз тек ғана өзбек халқының емес, ал, бул жерде аўызбиршиликте жасап атырған түрли миллет ўәкиллериниң ең гөззал байрамларынан бирине айланған. Мәмлекетимиз басшысының бизге көрсетип атырған хұрмет-иззет, ғамқорлығы ушын миннетдармыз» - деген сөзлери арқалы елимизде жасап атырған бәрше миллет ўәкиллериниң байрамға қатнасып атырғанлығы сөз етилген [9].

Әсиресе, баспасөз бетлеринде Республикамыз пайтахты Нөкис қаласында өткерилетуғын байрам көринислери кең сәўлеленеди. Нөкис қаласында улыўма 258 мың халық жасап (2022 жыл), олар қарақалпақ, өзбек, қазақ, рус, кореец, түркмен хәм басқада миллетлер ўәкиллери болып татыў жасамақта. Бүгинги күнде Нөкис қаласында Қарақалпақстандағы дерлик барлық Миллий мәдений орайлар жайласқан. Бул орайлар республикалық Наўрыз сейиллеринде белсене қатнасып келмекте. Бул әлбетте, баспасөз бетлеринде өз көринисин таўып, “Еркин Қарақалпақстан”, «Вести Каракалпакстана» хәм «Қарақалпақстан жаслары» сыяқлы

Республикалық газеталарда репортаж, мақала хәм очерклер формасында жарық көрмекте. “Еркин Қарақалпақстан” газетасында пайтахтымыз Нөкіс қаласында Наўрыз байрамы сейиллери хәм оларда түрли миллет ўәкиллериниң дәстүрлерин көрсетиўи халық тәрәпинен жақсы күтип алынғанлығы жарытылған. Мәселен, «Еркин Қарақалпақстан» газетасы пайтахтымыздағы болып өткен улыўма халықлық сейилинен репортажында миллийлик пенен биргеликте «халықлар дослығының көриниси де өз сәўлелениўин таўып, түркмен, қазақ миллий мәдений орайларының белсенди ағзалары миллий кийимлерде үрп-әдет, дәстүрлерин көрсетип, қосықлар айтып, байрамға көтеріңки кейпийт бағышлады», - деп жазады. Миллий кийимлер көргизбеси болса республикамызда беккем аўызбиршиликте жасап атырған қарақалпақ, өзбек, түркмен, қазақ, рус халықларының миллий қосықлары менен аяқ ойындары байрамға өзгеше сән бағышлағанлығы тәрийпленеди [10].

Наўрыз байрамының республикамыздың басқа аймақларында қалай байрамланып атырғанлығына баспасөзде өз алдына орын ажратылып келинбекте. Мәселен, Төрткүл районы республикамыздың полиэтний районларынан бири болып, бул хакқында “Еркин Қарақалпақстан” газетасында район халқының қазақ, қарақалпақ, түркмен, өзбек, рус миллетлеринен ибарат екенлиги, Наўрыз байрамын хәр жылы шөлкемлескенлик пенен аўызбиршиликли байрамлаўы хакқында мақала таярланған. Мақалада «Өзбекстан» аўыл пуқаралар жыйыны баслығы Шухрат Кенжаевтың “Турғынларымыз көп миллет ўәкиллери. Берекет бирлиги аўызбиршилик екенлигин Наўрыз сейилинде өзбек, түркмен, қазақ, рус хәм қарақалпақ тиллеринде қосықлар биргеликте атқарылғанда хаўазлары жети маҳаллеге тарайды десем лап болмас. Миллий кийимлердиң реңлери көзди камастырады” [11] – деп билдирген пикири жәмийетимизде толерантлықты үгит-нәсиятлаўда үлкен әҳмийетке ийе болды. Сондай-ақ, районда «Хош келдиң, Наўрызым» атлы байрам бағдарламасында “Үмит” эстрада, “Феруз”, “Тарона” қосық хәм аяқ ойын, “Орзу” түркмен қосық хәм аяқ ойын ансамбльлериниң концерт бағдарламалары байрамға өзгеше руўх бағышлағанлығы айрықша атап өтилиди [12].

Сондай-ақ, Төрткүл районында түркмен миллети ўәкиллериниң үлкен диаспорасы болғанлықтан Қарақалпақстан Республикасындағы түркмен миллий мәдений орайы Төрткүл қаласында жайласқан. “Еркин Қарақалпақстан” газетасында түркмен миллети ўәкиллериниң Наўрыз байрамын басқа туўысқан халықлар қатары байрамлап атырғаны хакқында мақалалар жарияланып келеди. Редакцияның репортажында “Ата-

бабаларымыздың миллий байрамы – Наўрызды түркмен миллети ўәкиллери биргеликте кең халық сейилинде, дослық руўхында, толы дастурхан этирапында жақсы кейпийтта байрамлайды. Кулласы, бул байрам теңлер ишинде тең хуқықта жасап атырған түркмен миллети ўәкиллериниң дослар менен дийдарласыў байрамына уласып кетеди” [13], - делинеди. Газета хабаршысы Түркмен миллий мәдений орайы ағзасы Гурбан Байжанов өзиниң Наўрыз байрамы хакқында билдирген пикирлерин келтирип, оның үлкен әҳмийетке ийе екенлигин атап өтеди. «Жасым сексен үште, - дейди Гурбан Байжанов. - Елимиздиң энергетика тараўында мийнет еттим. Бизлердиң балалық, жаслық жылларымыздағы Наўрыздың шекленген дәўирлери енди қайтып келмегей. Ғәрезсиз заманымызға шүкиршилигимиз көп. Халық сейили елимизде жүдә көтеріңки кейпийтта өтип атыр. Президентимизге рахмет, халық кеўиллери толып-тасып Наўрызды кеңнен байрамламақта» [14].

Республикалық газеталар бетлеринде Беруний районында да хәр түрли миллет ўәкиллериниң Наўрызды биргеликте байрамлап атырғаны хакқында кеңнен айтылады. Мәселен, «Еркин Қарақалпақстан» газетасы хабаршысы усы райондағы улыўма халықлық сейил хакқында сөз ете отырып, “сейилде өзбек, қазақ, түркмен, қарақалпақ, рус хәм кореец миллети ўәкиллери сүмелек қайнап атырған қазан этирапында биргеликте дослыққа, аўызбиршиликке шақырыўшы қосықлар атқарды”, - деп байрам кейпийтын сәўлелендиреди [15].

Алдыңғы қатар жасларды өзине жәмлестиретуғын жоқары оқыў орынларында Наўрыз улыўма халықлық байрамының шөлкемлестирилиўи хәм оның баспасөзде жарияланыўы жәмийетте тынышлық хәм миллетлер аралық татыўлықты тәмийинлеўде әҳмийети үлкен. Хәр түрли миллет жаслары тәлим-тәрбия алып атырған бул дәрғайда миллетлер аралық татыўлық хәм кең пейилликтиң баспасөз арқалы үгит-нәсиятланыўы жасларымыз санасында басқа миллет ўәкиллерине хәм мәдениятына хұрмет сезимин қәлиплестиреди. Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университетинде де хәр жылы байрам кең көлемде байрамланады. «Еркин Қарақалпақстан» газетасында жарияланған университет жәмәетиниң байрам тамашасына арналған репортажда туўысқан халықлардың мәдениятлары көрсетилди. «Хәр күнимиз Наўрыз болсын!» театрластырылған әдебий-музыкалық байрам тамашасының «Халықлар дослығы» бөлиминде кореец, түркмен, қазақ хәм рус халық ойындары тамашагөйлерде умытылмас тәсирлер қалдырды [16]. Сондай-ақ, «Хұрлиман» халық ансамблиниң атқарған туўысқан халық хәм миллий аяқ-ойындары,

“Кемпир куйди” атлы фольклор бөлими, спорт ойындары Наўрыз миллий байрамына уйғынлығы менен қатнасушыларда айрықша тәсир қалдырды [17].

Жаслар арасында өз ара татыўлық хәм миллетлер аралық баўырманлық сезимлерин тәрбиялаў исинде баспасөзимиз бетлеринде Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендириў министрлиги, Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты, Қарақалпақстан қазақ миллий мәдений орайы, Қазақ тили хәм әдебияты кафедрасы менен биргеликте «Улыс оң болсын» атлы әдебий композициялық кешесихаққындағы материаллары Наўрыз – дослық хәм бирлик байрамы екенлигиниң және бир тымсалы екенлигин және бир мәрте тастыйықлайды. Усы илажда Наўрыз байрамы, халықлар дослығы, миллетлер аралық татыўлықты бекемлеўге байланыслы сахналық көринислер, миллий тағамлар тартыў, әдебий музыкалы бағдарлама менен даўам етгенлиги редакция мақаласы арқалы

кең жәмийетшиликке жеткерилген. Қазақ миллий мәдений орайының баслығы Ж.Дәрменов «Наўрыз ата-бабаларымыз турмысында қандай қәсийеткейе болса, бизде солай бахалап жаңа мазмун менен байытыўымыз керек. Бул ушын Наўрыздың келип шығыў тарийхын, халық турмысындағы орнын билиўимиз керек» - дейди [18].

Жуўмаклап айтқанда, миллетлер аралық татыўлықты қәлиплестириў узақ даўам етиўши процесс болып, оның раўажланыўына баспасөз де өз үлесин қоспақта. Күнделикли басылымлар жәмийетимизде болып атырған ўақыяларды сәўлелендириў менен бирге жәмийетимизде жүз берип атырған процесслерге де тиккелей тәсир етеди. Усы көз қарастан қарағанда, Наўрыз улыўма халықлық байрамы мысалында баспасөзде миллетлер аралық татыўлықтың үгит-нәсиятланыўы елимизде жасап атырған миллетлердиң арасында аўызбиршилик, дослық хәм кеңпейиллик орталығының қәлиплесиў хәм бекемленіўине үлес қоспақта.

ӘДЕБИЯТЛАР

1. Өзбекстан Республикасы Президенти Ш.М.Мирзиёвтиң “2022-жыл Наўрыз улыўма халықлық байрамына таярлық көриў хәм оны өткеріў хақында” ғы қарары // Қарақалпоғистон тонги, 2022-жыл 19-февраль.
2. Умар Хайям. Наврӯзнама. – Тошкент: 1990. 12-б.
3. Исоқов Б., Исоқова Н. Аңаналарни абадиятга айлантқан айём. – Наманган: «Наманган», 2013. 51-б.
4. <http://www.islomkarimov.uz/uzc/news/navroz-qadim-qadriyatlar-tarovati>
5. Исоқов Б., Исоқова Н. Наврӯз – мустақиллик берган неъмат. – Наманган: «Наманган», 2017. 230-б.
6. Баҳор байрамлари Наврӯз ҳикматлари Наврӯз дастурхони. – Тошкент: 1994. 22-б.
7. Өзбекстан Республикасы Президенти Ш.М.Мирзиёвтиң “2022-жыл Наўрыз улыўма халықлық байрамына таярлық көриў хәм оны өткеріў хақында”ғы қарары // Қарақалпоғистон тонги, 2022-жыл 19-февраль.
8. Қарақалпақстан Республикасы Хабар хәм ғалаба коммуникациялар басқомасы материаллары, Нөкис, 2022-йил 1-январь.
9. Ығбал-бахты жанған халқымыздың ең әйемги хәм пайызлы байрамы // Еркін Қарақалпақстан, 2017-жыл 21-март.
10. Кеўиллерди толып тастырған байрам сейили // Еркін Қарақалпақстан, 2017-жыл 25-март.
11. Кеўиллерге жақсылық себер // Еркін Қарақалпақстан, 2016-жыл 19-март.
12. Кеўиллерди толып тастырған байрам сейили // Еркін Қарақалпақстан, 2017-жыл 25-март.
13. Дослар менен кеўилли // Еркін Қарақалпақстан, 2016-жыл 19-март.
14. Кеўиллерди толып тастырған байрам сейили // Еркін Қарақалпақстан, 2017-жыл 25-март.
15. Утемуратов Р. Жаңарыў, жасарыў байрамы келди, жарықлық, Наурыздың әйямы келди! // Еркін Қарақалпақстан, 2017-жыл 21-март.
16. Хәр күнимиз Наўрыз болсын // Еркін Қарақалпақстан, 2016-жыл 19-март.
17. Хәр күнимиз Наўрыз болсын // Еркін Қарақалпақстан, 2017-жыл 21-март.
18. Дослық хәм бирлик байрамы // Еркін Қарақалпақстан, 2015-жыл 17-март.

Матбуотнинг миллатлараро тотувликни шакиллантиришдаги хизмати (Наврӯз умумхалқ байрами мисолида)
Муратбаева А.Б.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қарақалпоғистон бўлими Қарақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти, Нукус

Журналистиканиң вазифалари унинг мажбуриятлариниң умумийлигидан, вазифалариниң бажарилишидан ва жамияттағы хаёт тарзидан иборатдир. Муаллиф матбуотнинг мохияти жамоатчиликниң эҳтиёжи ва қутаётган нәтижасига мувофиқ бир қатор ижтимоий маъсулиятни аниқлашда деб ҳисоблайди. Ўшбу мақола муаллифи матбуотнинг вазифалариниң бири миллатлараро бағрикенглик ва маданияти ғояларини тарғиб қилиш сифатидағы вазифасига эътибор қаратади. Муаллиф Қарақалпоғистонда Наврӯз байрами ёритилиши масаласини ва шу материалларниң халқлараро муносабатларига ўз таъсирини кўрсатиши ҳақида «Еркін Қарақалпақстан» газетаси мисолида кўрсатди. Муаллиф бизниң республикада истиқомат қилаётган барча миллатлар учун ўтказиладиган тадбири мисолида газета материалларниң жанр хусусиятларини очиқ беради. Муаллифниң асосий фикри шундан иборатки, журналистика вазифаси нафақат ўтмишни ҳозирги кун билан боғлаш, балки ўндан ташқари ходисалар ва жараёнлар ривожланишиниң мумкин бўлган тенденцияларини аниқлашдир.

Роль прессы в формировании межнационального согласия (на примере всенародного праздника Навруз)
Муратбаева А.Б.

Каракалпакский научно-исследовательский институт гуманитарных наук Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан, Нукус

Функции журналистики характеризуют совокупность ее обязанностей и выполняемых ею задач, способ жизнедеятельности в обществе. По мнению автора, сущность ролевой характеристики заключается в выявлении ряда социальных обязанностей, которые пресса выполняет в соответствии с общественными запросами и ожиданиями. Автор данной статьи обращает внимание на одну из функций печати как средства продвижения идей межнациональной толерантности и культуры. На примере республиканской газеты «Еркин Қарақалпақстан» автор изучает вопросы освещения празднования Навруз в Каракалпакстане и влияния этих материалов на укрепление межнациональных отношений. На примере празднования Навруза, общего для всех народов, проживающих в нашей республике, автор дает характер и жанровые особенности материалов газеты. Основной посыл автора заключается в том, что для журналистики характерно ее наибольшее желание связать прошлое не только с настоящим, но и определить возможные тенденции развития событий и процессов

The role of the press in the formation of interethnic agreement (On the example of the national holiday Navruz)

Muratbaeva A.B.

Karakalpak Research Institute of Humanitarian Sciences of the Karakalpak Branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Nukus

The functions of journalism characterize the totality of its duties and tasks performed by it, the way of life in society. According to the author, the essence of the role characteristic is to identify a number of social responsibilities that the press performs in accordance with public demands and expectations. The author of this article draws attention to one of the functions of the press as a means of promoting the ideas of interethnic tolerance and culture. Using the example of the republican newspaper "ErkinKarakalpakstan", the author studies the issues of coverage of the celebration of Navruz in Karakalpakstan and the impact of these materials on strengthening interethnic relations. Using the example of the celebration common to all peoples living in our republic, the author gives the nature and genre features of the newspaper materials. The main message of the author is that journalism is characterized by its greatest desire to connect the past not only with the present, but also to identify possible trends in the development of events and processes.

**ЎЗБЕК СИЁСАТШУНОСЛИГИДА СИЁСИЙ КОММУНИКАЦИЯ
ТИЗИМИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ**

Сейдабуллаева Н.Т.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Нукус шаҳри

Сиёсий модернизациялаш жараёнида давлат ва фуқаролик жамияти ўзаро мутаносиб равишда ривожланади. Бу икки тушунча ягона социал организмнинг иккита таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур жараёнда давлат ва жамиятнинг узвий икки томонлама манфаатли мулоқоти талаб этилади. Айнан шу мулоқотда сиёсий коммуникация тизими муҳим аҳамият касб этади.

Сиёсий коммуникация масаласининг Ўзбекистон Республикаси билан боғлиқ жиҳатларини ўрганишда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари [1] ва чиқишлари қимматли манба вазифасини ўтайди. Албатта, муҳтарам юртбошимиз давлат бошқарув тизимида кенг эътибор қаратгани, ислохотларни халқ манфаати ва мақсадларига мослаштириб олиб боришида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда жадал суратлар билан ижобий натижаларга эришаётганлиги бугунги кунда нафақат Ўзбекистон аҳолиси томонидан балки дунё миқёсида кенг эътироф этилиб келинмоқда. Бунда албатта сиёсий коммуникациянинг роли ва аҳамияти кескин ошиб бормоқда. Президентимизнинг “Халқ билан мулоқот” ғояси фуқароларни сиёсий жараёнлардаги фаоллигини оширишга замин бўлмоқда. Бугун жамиятда демократик тартиботлар ва эркинлик муҳити жорий

этиляпти. Давлат идораларига нисбатан фуқаролар ишончи шаклланди. Бу эса жамиятда сиёсий коммуникация тизимлари ва тармоқларининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбек сиёсатшунослигида дастлабки қарашлар «Давлат бош ислохотчи» тамойили асосида давлатнинг ислохотларни ўтказишда жамият институтлари ва аъзолари билан коммуникатив алоқаларни ривожлантириш борасида бўлган. Бунда давлат органларининг ўзгаришларни юқоридан қуйига қараб олиб боришда сиёсий коммуникация механизмлари атрофида анчайин илмий ғоялар илгари сурилган. Кейинчалик «Қучли давлатдан қучли фуқаролик жамияти сари» ғояси асосида давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва жамиятнинг турли институтлари билан коммуникацияга киришиш масалаларига катта эътибор берилган бўлган.

Сиёсий коммуникациянинг тадқиқ этилиши аввало жамият ҳаётининг барча соҳаларида муҳим қарорлар қабул қилувчи, мамлакат тараққиёти, инсоният тақдирига таъсир этиши билан боғлиқ масалаларга қизиқиш узоқ тарихга эгаллигини ҳисобга олиб, сиёсий коммуникация тизимида Шарқда давлат бошқарувида эътибор жуда юқори

бўлганлигига алоҳида урғу бермоқчимиз. Бунинг Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асаридаги келтирилган фикрлар ва ҳикоятлардан билиш мумкин. Низомулмулк сарой ва фуқаролар ўртасида доимий алоқа ва ахборот алмашуви бўлиб туришини тарафдори бўлган. У ўз китобида шундай ёзади: “Одамлар саройга келиб, ўз ҳолларини маълум қилмоқчи бўлсалар, шунда улар қаршилиқ қилмасинлар ва қайси бир муқатеъ шундай қилса, қўлини қисқартириб, иктаъсини тортиб олиш, ўзига жазо бериб, бошқаларга ибрат этиб кўрсатиш керак” [2]. Низомулмулк шоҳ ва халқ ўртасидаги мулоқотга тўсик бўлувчи омилларни ҳам кўрсатиб ўтган. У ёзадики: “Олдин ўтган кишиларнинг китобларидан шуни ўқиб билдимки, Ажам шоҳлари бир дўкон ясаб, уни отга юклаб сахрога олиб борарканлар, токи ўша жойда йиғилган мазлумларни кўриб, ҳар бирининг арзини эшитиб олиш мумкин Аллоҳ таоло неъматлари қадри подшоҳларники бўлсин. Бунинг сабаби шу эдики, агарда подшоҳ бирор жойда ўтириб қолса, у ерда даҳлиз, долон, эшик ва парда пайдо бўлади. Ғарзли кишилар ва ситамгарлар шундан фойдаланиб, зулм чекаётганларни подшоҳ олдида қўймайдилар”.

Мазкур асарда давлат бошқарув тизимида халқнинг ўз шикоят арзларини етказишида тўсқинликларга учрашидаги алоқа муаммоларига эътибор қаратилган.

Соҳибкирон Амир Темур ҳам давлат бошқарувида коммуникацияга катта эътибор берган. Унинг жойлардаги мавжуд аҳвол ҳақида тўла ахборотга эга бўлишида ва қарорларни қабул қилишида махсус ахборотларни етказиб турувчи институтларнинг роли катта бўлган. Жумладан, «У (хабаргир)лар чор-атрофда бўлаётган ҳодисалар ва уларнинг хабарларини Темурга етказиб, ўзлари афзал кўрган ишларини унга баён этардилар. Улар вазнлари, нарху наволари тўғрисида унга зикр қилиб, манзилу шаҳарларни тавсифлардилар. Улар текис ва нотекис жойларининг суратини келтириб, уйлари ва диёрлари ўринларини чизиб кўрсатардилар, шулар орасида у жойларнинг яқин ёки узоқ, тор ёки кенглигини, уларнинг қайси теварак-атрофда, ғарб ёки шарқда, шаҳарлар ва қишлоқларнинг исмларини, манзил ва паноҳжойлар номларини, ҳар бир жойнинг аҳлию бошлиқлари, амирлари, улуғлари, фозиллари, шарифлари, бойларини факирларини, уларнинг ҳар бирининг исми ва лақабини, шуҳрати ва насабинини, уларнинг хунари ва воситаларини баён қилардилар. Натижада Темур ўз фикри билан шу нарсаларни яққол кўриб, тафаккури воситасида ўз ерларини хориж жойлар устидан ҳам тасарруф юритарди» [3].

Сиёсий коммуникация тизимини ўрганиш ва тадқиқ этишда нафақат Ғарб олимлари,

балки Марказий Осиё олимлари, сиёсатшунослари, давлат арбоблари шу жумладан Ўзбекистонлик сиёсатшунослар ҳам тадқиқотлар олиб боришган. Бугунги кунда республикамизнинг кенг илмий жамоатчилиги, сиёсатшунос олимлари Н.Жўраев, Р.Жумаев, И.Эргашев, С.Жўраев, М.Қирғизбоев, Ж.Мавлонов, Б.Омонов ва бошқаларнинг асарлари ва монографиялари сиёсий коммуникация соҳасини тадқиқ этишда муҳим ҳисса қўшган. Уларда сиёсий тизимни демократлаштириш жараёнларида сиёсий коммуникацияларнинг ўрни, давлат бошқарувида сиёсий коммуникациялардан фойдаланиш, раҳбар имижини оширишда коммуникациялар масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Хусусан, М.Қирғизбоев, сиёсий коммуникациянинг мазмун-моҳияти, унинг сиёсий тизимдаги ўрни, Н.Жўраев сиёсий коммуникациянинг сиёсий-фалсафий жиҳатлари, С.Жўраев тизимли таҳлил жараёнида сиёсий коммуникацияларнинг аҳамияти, Б.Омонов жамиятнинг модернизациялаш шароитида сиёсий коммуникация масалаларини, Ж.Мавлонов давлат ва жамият ўртасидаги коммуникациянинг замонавий механизмларига оид масалаларни тадқиқ этган.

Сиёсатшунос олим М.Қирғизбоев сиёсий коммуникациянинг мазмуни ва моҳиятини чуқроқ ёритишда сиёсатшунослигимизда ўрни бошқаларга нисбатан юқори. Олим сиёсий коммуникация тизимлар умумий назарияси ва кибернетика соҳасига тааллуқли тушунчаларни изоҳлашга ҳаракат қилган. Профессор Қирғизбоев, сиёсий коммуникация восита сифатида самарали эканлигига мувофиқ равишдаги ўзининг тузилмавийлиги ва функцияларига биноан ажратиб кўрсатган, яъни: шахслараро коммуникация; оммавий коммуникация; мазкур ҳодисаларнинг фаолиятга доир моҳияти. Аксарият олимлар бу тушунчага универсал таъриф беришга ҳаракат қилдилар, лекин ҳозирги пайтга қадар қатъий равишдаги мукамал умумий тушунчалар яратилгани йўқ. Олим сиёсий коммуникация шартларини ҳам кўрсатиб ўтган: асосан сиёсий жараённинг ахборот характерига эга бўлган камида иккита иштирокчисининг мавжудлиги. Ахборот жўнатувчи (почта, телеграф)—коммуникатор ва униолувчи (инсон, корхона, гуруҳ) — реципиент; реципиентнинг сиёсий ахборотни англаши. Одамлар ахборотни турлича (баъзан бузилган ёки сохталаштирилган ҳолда) қабул қиладилар. Лекин бу жараённинг жамоавийлик (оммавийлик) характери онглиликни талаб этади, ва ҳатто ки инсонларни ижодий ва ташаббускорлик билан ёндашишини зарурий даражасига олиб чиқади [4].

Сиёсатшунос олим Н.Жўраев сиёсий коммуникациянинг сиёсий-фалсафий

жихатларига кўпроқ эътибор беради ва уни сиёсий ва тарихий таҳлиллар асосида кўриб чиқади. Тарихан аждодларимизнинг ўзига хос давлат бошқаруви сиёсатида айнан коммуникацион воситаларнинг муҳим ўрин эгаллагани, кўпгина подшоҳлар сиёсий коммуникация тизимини яхши йўлга қўйган даврларда салтанатда тинчлик ва барқарорлик бўлгани, сиёсий мулоқотга эътибор берилмаган маҳаллар жамиятда бошбошдоқлик авж олгани хусусидаги таҳлилларни илгари сурган [5].

Яна бир сиёсатшунос олим С.Жўраев сиёсий коммуникацияни давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларга киришишидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб беради. Сиёсий коммуникациянинг бир томонлама алоқа нуктаи назаридан қўлланиш механизмлари, шунингдек, икки томонлама алоқа жихатидан фойдаланиш технологияларини таҳлил қилган. Анъанавий сиёсий коммуникация технологияларида фақат давлат томонидан ахборот тарқатилади ва аҳоли уни қабул қилади, аммо унга муносабат билдириш имкониятлари жуда кам эканлигини кўрсатиб берган. Замонавий сиёсий коммуникацияларнинг ўзига хос афзаллиги юборилган ахборотга нисбатан муносабат билдириш имконияти бор [6].

Яна бир олим Ж.Мавлоновнинг тадқиқотларида коммуникатив жараённинг халқ билан мулоқот тизимининг ўзига хослиги, унинг фуқаролик онги ва муносиб ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг шаклланишига, сиёсий акторларнинг ижобий-фаол иштирок этиш кўникмаларига ёрдам беришини кўрсатиб берилган. Ҳокимият ва халқ сиёсий позицияларини ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлардаги ролини аниқлаш, сиёсий жараён иштирокчиларига ривожланиш мақсадларини тушунишга хизмат қилиши таҳлил этилган. Олим сиёсий коммуникациялар жамиятда бўлаётган ўзгаришларни акс эттирувчи энг ҳаракатчан соҳалардан бири бўлиб, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг моҳиятини чуқурроқ

англашга имкон беришини таъкидлайди. Коммуникатив ва риторик анъаналарнинг ўзгариши сиёсий стратегиядаги баъзи ўзгаришлар ҳақида сигнал бериши, чунки уларнинг белгилари одатда сиёсий жараён акторларининг нутқ тузилмаларида аниқ кўриниши масалалари ҳам олимнинг илмий изланишлардан четда қолмаган.

Сиёсий коммуникациянинг ривожланмаганлиги, сиёсий тизимнинг паст мослашувчанлигининг сабабларидан бири бўлиб, аҳолининг қўллаб-қувватлашини йўқотишига ва сиёсий беқарорликка олиб келади.

Жамоат майдони бўлган сиёсий тизимларда фуқаролар ҳар қандай мавзуда сиёсий мунозараларни бошлашлари ва эркин иштирок этишлари мумкин, бу умумий манфаат ва барқарор ривожланишга эришиш учун самарали ва оқилона қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Бутун сиёсий тизимнинг ишлаши сиёсий ахборот оқимининг сифати, ишончлилиги ва изчиллигига боғлиқ бўлиб, сиёсий раҳбарларнинг кадри баландлиги ва профессионалиги ҳам сиёсий менежерларнинг қанчалик профессионал эканлигига боғлиқ.

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш жоиз, мавжуд манбалар таҳлиладан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида сиёсий коммуникация муаммоси сиёсий фанлар доирасида алоҳида мавзу сифатида махсус ва чуқур ўрганилмаган. Глобал микёсда жадаллашаётган ахборот технологияларининг такомиллашиб бориши, сайёрамиз бўйлаб интернет тармоғига уланишнинг кенгаётгани фуқароларнинг ахборот олиш ва узатиш имкониятларини оширмоқда, бу эса жамиятдаги сиёсий жараёнларга ўз таъсирини ўтказмоқда. Шу боисдан бугунги кунда замонавий сиёсий коммуникация шакллари ва уларнинг сўнгги тенденциялари бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.; Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б. Мирзиёев Ш.М.
2. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
3. Низомулмулк. “Сиёсатнома”. – Тошкент: 2019. 20 б.
4. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. – Тошкент: Мехнат, 1992. – 71 б.
5. Қирғизбоев М. Сиёсатшунослик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 421 б.
6. Жўраев Н. Тамаддунга даъват. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018.
7. Жўраев С.А. Грегорий Г. Тизимли таҳлил асослари. – Тошкент: ТДШИ, 2019.

Ўзбек сиёсатшунослигида сиёсий коммуникация тизимининг тадқиқ этилиши
Сейдабуллаева Н.Т.

Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Мақолада сиёсий коммуникация тизими борасида Ўзбекистонлик сиёсатшунослар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ҳақида сўз боради. Асосан, ўзбек сиёсатшунослигидаги дастлабки қарашларга тўхталиб ўтиб, давлатнинг ислохотларни ўтказишда жамият институтлари ва аъзолари билан коммуникатив алоқаларни ривожлантириш борасида бўлганлиги ёритиб берилган. Бунда давлат органларининг ўзгаришларни юқоридан қуйиға қараб олиб боришда сиёсий коммуникация механизмлари атрофида анчайин илмий ғоялар илгари сурилганлигига урғу берилган. Асосан, юртимиз миқёсида «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» ғояси асосида давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва жамиятнинг турли институтлари билан коммуникацияга киришиш масалаларига катта эътибор берилган бошлангич таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, жамоат майдони бўлган сиёсий тизимларда фуқаролар ҳар қандай мавзуда сиёсий мунозараларни бошлашлари ва эркин иштирок этишлари мумкинлиги ва бу умумий манфаат ва барқарор ривожланишга эришиш учун самарали ва оқилона қарорлар қабул қилиш имконини бериши таҳлил этилган.

Изучение системы политической коммуникации в узбекской политологии
Сейдабуллаева Н.Т.

Каракалпакский государственный университет, Нукус

В статье рассматриваются исследования, проведенные узбекскими политологами по системе политической коммуникации. В частности, акцентируя внимание на исходных взглядах в узбекской политологии, подчеркивается, что государство стремится к развитию коммуникативных отношений с институтами и членами общества при проведении реформ. Подчеркивается, что вокруг механизмов политической коммуникации в процессе нисходящей смены государственных органов выдвинуто больше научных идей. Отмечено, что в стране стали больше внимания уделять укреплению связей между государством и обществом и коммуникации с различными институтами общества, исходя из идеи «от сильного государства к сильному гражданскому обществу». Также анализируется, что в политических системах с публичным пространством граждане могут свободно инициировать и участвовать в политических дискуссиях на любые темы, что позволяет им принимать эффективные и рациональные решения для достижения общих интересов и устойчивого развития.

The study of the system of political communication in Uzbek political science
Seydabullaeva N.T.

Karakalpak State University, Nukus

The article discusses the research conducted by Uzbek political scientists on the system of political communication. In particular, focusing on the initial views in Uzbek political science, it is highlighted that the state is committed to the development of communicative relations with institutions and members of society in the implementation of reforms. It is emphasized that more scientific ideas have been put forward around the mechanisms of political communication in the process of top-down change of government agencies. It was noted that the country has begun to pay more attention to strengthening ties between the state and society and communication with various institutions of society, based on the idea of "from a strong state to a strong civil society." It is also analyzed that in political systems with a public space, citizens can initiate and participate freely in political discussions on any topic, and this allows them to make effective and rational decisions to achieve common interests and sustainable development.

УДК 32.019.5 (021)

ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИ БЎЙИЧА ТАЖРИБАЛАР

Турманов С.Т.

Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги,
Нукус шаҳри

Бугунги кунда жаҳон тажрибасида ўзини ўзи бошқариш органлари билан давлат ҳамкорлиги соҳасида кўплаб ижобий тажрибаларни айтиб ўтиш мумкин. Лекин оила масаласида бундай деб бўлмайди. Чунки Ғарб мамлакатларида оила қадрияти Шарқ халқларидан кескин фарқ қилади. Европада асосий эътибор шахсга қаратилади, оила ёки маҳалла кесимида ҳал этилмайди. Маҳалла ҳамда оила социал институт сифатида ўз функцияларини тўлақонли адо этиши учун доим давлат томонидан қўллаб-қувватланишга эҳтиёж сезади. Зеро, мазкур икки институт, бир томондан, ижтимоий ҳаётни ташкил этишининг бирламчи бўғини бўлса, иккинчи

томондан, фуқаролик ташаббусларини ишлаб чиқувчи, парваришловчи ва рўёбга чиқарувчи тузилма ҳамдир. Бу ўз навбатида, жамиятнинг асосий бошқарув субъекти бўлган давлатга мазкур институтлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масъулиятини юклайди. Зеро, жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш ҳамда ўзини ўзи ташкил этиш жараёнларида иштирок этувчи ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тузилмалар фаолиятининг давомийлиги ва самарадорлиги энг кўп ресурсларни ўз қўлида жамлаган давлатнинг иштирокисиз амалга ошмаслиги дунё мамлакатларининг тарихий тажрибасидан маълум.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тузилмалари ва оиланинг ўз ижтимоий функцияларини тўлақонли амалга оширишида давлатнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлови дунё мамлакатлари амалиётида турли шаклларда ва даражаларда учрайди. Бундай қўллаб-қувватлов қандай механизмларга асосланиши ва бунда қандай чора-тадбирларга устуворлик берилиши ҳар бир мамлакатнинг орттирган тарихий-маданий тажрибаси, мафкуравий асослари, сиёсий тизими ҳамда иқтисодий салоҳиятига боғлиқ тарзда хилма-хиллик касб этади. Шундай бўлса-да, бу давлат томонидан ўзини ўзи бошқариш органлари ва оила институтини қўллаб-қувватлашга доир дунёнинг турли мамлакатлари тажрибасини ўрганиш ва зарур ҳолларда уларнинг айрим элементларини имплементация қилиш имконсизлигини англамайди. Аксинча, бирор мамлакатга хос бўлган ноёб тажриба бошқа мамлакатлар учун ҳам универсал қўлланма бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам, дунё мамлакатларида ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда оила тузилмасининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига доир тажрибани ўрганиш тадқиқотимиз учун муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида фаолият юритувчи маҳалла институтининг аналогич хорижий мамлакатларда камдан кам учрайди. Чунки дунёнинг аксар мамлакатларида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг субъекти турли даражадаги маъмурий-худудий тузилмалар билан ифодаланади. Уларнинг ҳажми, тузилиши ва функциялари ҳам маҳалла институтидан фарқ қилади. Шу боисдан ҳам, мана шундай тафовутларни аниқлаш мақсадида, биз хорижий мамлакатларда мавжуд бўлган маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тузилмаларининг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқишимиз лозим.

Сиёсий ва юридик адабиётларда ҳамда халқаро сиёсий амалиётда ўзини ўзи бошқаришни “муниципал бошқарув” атамаси билан ифодалаш анъанаси шаклланган. Аксарият мамлакатларда “муниципалитет” маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тузилмаси сифатида қўлланилади. Бу атама қонун ҳужжатларида, ҳатто бош қонун – Конституцияларда тез тез учраб туради. Рус олими Г.В.Барабашевнинг таъкидлашича, бу атаманинг келиб чиқиши ва мазмуни узок тарихий даврларга бориб тақалади. “Муниципалитет” атамаси латинча “municipium” сўзидан олинган бўлиб, одатда Рим тарихининг республика даврида ўзини ўзи бошқариш ҳукуқидан фойдаланган шаҳарларнинг номи шундай ном билан аталган. Ҳозирги вақтда муниципалитет сайланган шаҳар ёки қишлоқ ҳокимияти

ҳисобланади, АҚШда эса фақат шаҳар ҳокимияти муниципалитет деб аталади [1].

П.Д.Баренбоймнинг фикрича, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг илмий концепцияси биринчи марта буржуа инқилоби мафкурачиларининг асарларида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг моҳияти ва роли маҳаллий ҳокимият органларини сайлаш ҳамда жамоаларнинг ўзини ўзи бошқариш ғоялари билан боғланган. Ўша пайтда маҳаллий ҳокимиятларнинг сайланиши тамойили феодализмга қарши илгари сурилган вакиллик ғоясига тўғри келди [2]. Сайланган муниципал органларнинг мустақиллиги, шаҳар ва қишлоқ жамоалари ишларини бошқаришда уларнинг марказдан мустақиллиги назарияси илк буржуа бошқаруви функцияларини ва шунга мос равишда уларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш субъекти сифатида тан олинганини акс эттирди.

Америкалик олим Р.Т.Берреснинг фикрига кўра, бутун XIX аср ва XX асрнинг бошлари, яъни Классик капитализм даврида маҳаллий бошқарувнинг ривожланиши аввал эълон қилинган тенглик ва эркинлик каби демократик шиорлардан чекиниш йўналишида давом этди [3]. Маҳаллий манфаатларни миллий манфаатларга бўйсундириш мақсадида шаҳар органларининг давлат назорати остига олиниши тенденцияси содир бўлди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг коммунал, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа тармоқларда функциялари кенгайгани сари марказнинг маҳаллий ишларга аралашуви ҳам кучайиб борди.

XX асрнинг ўрталарида маҳаллий ҳокимият бир пайтлар марказий ҳокимиятнинг бюрократик аппарати аралашувидан озод бўлган ҳақиқий маҳаллий ўзини ўзи бошқариш хусусиятларини қисман йўқотди. Баъзи замонавий муаллифларнинг таъкидлашича, марказ томонидан чиқарилган қарорлар сони ортиб бормокда, бу эса маҳаллий вакиллик органларининг зиммасига бундай қарорларни сўзсиз бажариш вазифасини юкламокда. Объектив равишда бу маҳаллий вакиллик органларининг давлат бошқарувининг мурватига, марказий ҳокимият кўрсатмаларини бажаришнинг ўзига хос механизмига айланаётганини англатади [4].

Жаҳоннинг аксарият давлатлари учун маъмурий-худудий тузилма давлат тузилишининг муҳим элементи ҳисобланади. Ушбу тузилма тарихан табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик омиллар, давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг эҳтиёжлари таъсирида ривожланди [5]. Одатда, давлат ва федерациялар худуди маъмурий-худудий бирликларга бўлинади. Фақат Баҳрайн, Мальта, Науру каби жуда кичик давлатларда бундай бўлиниш мавжуд эмас.

Дунё мамлакатларида давлатнинг маъмурий-худудий бўлинишининг бир неча даражали шакллари мавжуд. Масалан икки босқичли бўлиниш куйидагича кўринишга эга:

1) вилоятлар (область), губерниялар, округлар, провинциялар;

2) жамоалар, муниципалитетлар, коммуналар.

Бундай икки босқичли бўлиниш Болгарияда мавжуд.

Уч босқичли бўлинишлар куйидаги бирликларни назарда тутди:

1) вилоятлар (область);

2) туманлар (район);

3) жамоалар.

Бундай уч босқичли бўлиниш Хитой ва Ўзбекистон каби мамлакатлар учун характерлидир.

Ва нихоят, hozirgi вақтда тўрт босқичли бўлиниш ҳам мавжуд, масалан Франциядагидек:

1) регионлар (Францияда улардан 26 та бор);

2) департаментлар (Францияда 96 та);

3) округлар (уларда сайланган ҳокимият мавжуд эмас);

4) коммуналар (Францияда уларнинг 37 мингга яқини шаҳар ва қишлоқларда мавжуд).

Маъмурий-худудий birlikларда маҳаллий назоратни амалга оширувчи органларнинг табиати ҳар бир муайян давлатнинг конституциявий қонунчилиги билан белгиланади [6]. Юқорида санаб ўтилган маъмурий-худудий birlikларда уни бошқарадиган тайинланган мансабдор шахс (Болгарияда вилоят губернатори, Польшада воевода, Финляндияда губернатор) ёки тайинланган мансабдор шахс билан бирга фуқаролар томонидан сайланадиган кенгаш (префект ва бош кенгаш) мавжуд (масалан Франция департаментларида). Ёки фақат фуқаролар томонидан сайланадиган кенгаш (кенгаш раиси ва мер кенгаш томонидан сайланади)лар ҳам мавжуд бўлиб, бундай кенгашлар Буюк Британия графликларида, Франция коммуналарида фаолият юритади.

Дунёнинг аксарият давлатлари бошқарувнинг анъанавий концепциясига амал қиладилар, унга кўра фақат марказий органлар давлат ҳокимияти ҳисобланади. Булар: парламент, давлат раҳбари, суд ҳокимияти, ҳукумат ва унинг маҳаллий вакиллари – комиссарлар, префектлар, губернаторлардир. Шу билан бирга, маҳаллий сайланадиган органлар ва улар томонидан тузилган бошқарув маҳаллий давлат ҳокимияти ва худудий жамоаларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади [7].

Маҳаллий бошқарув органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари расман ҳокимият органларидир, лекин давлатнинг эмас, балки худудий жамоалар сифатида белгиланган

маъмурий-худудий birlikлар аҳолисининг ҳокимияти ҳисобланади [8].

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, маҳаллий маъмурий-худудий birlikларда маҳаллий давлат ҳокимияти ҳам, ўзини ўзи бошқариш ҳам амалга оширилиши мумкин. Энди мавжуд тушунчаларни аниқлаштириб олишимиз керак.

Маҳаллий давлат ҳокимияти – маҳаллий маъмурий-худудий birlikдаги бошқарув фаолияти бўлиб, марказий ҳокимият ёки юқори худудий бошқарув даражасидаги бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. Қоидага кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти юқори орган томонидан тайинланадиган маъмурий органлар орқали амалга оширилади. Масалан, Францияда региондаги бошқарув органи Республика префекти (1982-1988 йилларда у Республика комиссари деб аталган) ҳукумат қарори билан тайинланади ҳамда аҳоли билан муносабатларда ҳукумат ва унинг аъзоларининг вакили ҳисобланади [9]. Унинг ваколатига хавфсизлик, молия, маданият, таълим, ижтимоий ёрдам, туризм, иқтисодий ривожланиш ва худудий режалаштириш масалалари киради [10].

Департамент префекти ҳам ўзига бўйсинувчи худудий birlikда худди шундай мақомга эга. Бундан ҳам куйроқда, масалан округ (департамент ва коммуналар оралиғидаги худудий birlik) худудида субпрефект мана шундай бошқарув ўрнига эга.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш – бу бўйсинувчи худудда ишларни бошқариш учун маҳаллий худудий birlik аҳолиси (жамоа) томонидан вакиллик демократиясини амалга оширишдир [11].

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўз функцияларини амалга ошириш чоғида давлат органлари уларга ушбу функцияларни бажариш бўйича мажбурий кўрсатмалар беришга ҳақли эмас, давлат томонидан молиялаштириладиган дастурларни амалга оширишда ихтиёрий иштирок этиш ҳоллари бундан мустасно. Масалан, ижтимоий соҳада таълим, соғлиқни сақлаш дастурларини амалга оширишда давлат бу жараён иштирокчисига айланган ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини маълум даражада назорат қилиши мумкин.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги муносабатларнинг хусусияти бўйича тизимлар юқори ва куйи муниципалитет органларининг (масалан, Франция, Италия, Япония, Германияда) бўйсунуш тамойилига асосланади ва бундай бўйсунуш қонуний тарзда мавжуд бўлмаган тизимлардан (Буюк Британия, АҚШ) фарқ қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари одатда

махаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги махсус қонунлар, давлат ҳокимиятининг айрим тармоқларини тартибга солишчи қонунлар, масалан соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқалар билан белгиланади. Федератив давлатларда муниципалитетларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш федерация таъсис субъектларининг қонун чиқарувчи органлари юрисдикциясига тегишли [12].

К ў п и н ч а қ о н у н л а р ш а ҳ а р ҳокимиятларининг ваколатларини мажбурий ва ихтиёрийга ажратади. Демак, биринчисида давлат аҳамиятига эга бўлган масалалар бўйича ваколатлар киради. Бунга асосан муниципалитетлар йўлларни тартибга солиш, мактабларни таъмирлаш, ёнғинга қарши хизматлар ва аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини таъминлаш шарт. Шу билан бирга, муниципалитетларнинг жавобгарлик доираси уларга юқори турувчи органлар томонидан берилган ваколатлар орқали кенгайтирилиши мумкин. Бундай ваколатларни бериш АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Япония каби давлатлар қонунчилигида назарда тутилган [13].

Муниципал ҳокимиятларнинг ихтиёрига кўра амалга ошириладиган ваколатлари ихтиёрийдир. Буларга асосан аҳоли учун турли хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади, масалан шаҳар транспортини ташкил этиш, газлаштириш ва электр таъминоти, кутубхоналар, театрлар, шаҳар касалхоналари, коммунал хизматларни яратиш ва уй-жой қурилиши кабиларни [14].

Муниципал фаолиятнинг энг кенг тарқалган усуллари қуйидагилардир: коммунал мулкни (корхоналар ва муассасалар) тартибга солиш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш. Шаҳар ҳокимияти органларининг алоҳида ва маҳаллий иқтисодиётга хизмат кўрсатиш соҳасидаги замонавий назорат ва тартибга солиш фаолияти дўконлар, маиший ва кўнгилочар муассасалар очиш ва уларга хизмат кўрсатиш, турли савдо билан шугулланиш, алкогольли маҳсулотлар савдоси ҳуқуқи учун лицензиялар беришда намоён бўлади. Бир қатор мамлакатларда муниципалитетлар соғлиқни сақлаш, пенсия ва ишсизлик нафақалари билан шугулланади. Кўпинча муниципалитетлар саноат корхоналарига, шу жумладан Австрия ва Германияда бўлгани каби хусусий компанияларнинг улушларига эгалик қиладилар.

Муниципал ҳокимият органларининг тартибни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатига жамоат жойларида ўзини тутиш қоидаларини белгилаш, санитария ва ёнғин хавфсизлигини назорат қилиш киради. Масалан, Канада, АҚШ ва Францияда муниципалитетларнинг ўз полицияси бор [15].

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳасига тааллуқли ваколатларнинг аксарияти фақат йирик муниципалитетларга (регионлар, провинциялар, йирик шаҳарлар) тегишли. Шу билан бирга, муниципал органлар қуйи бўғинлари: қишлоқ жамоалари ва кичик шаҳарларнинг ваколатлари унчалик ҳам аҳамиятли эмас.

Хорижий мамлакатларда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бирламчи энг кичик бўғини – шаҳар ва қишлоқ коммуналари бўлиб, улар турли номлар билан аталади (масалан, Данияда муниципалитет, Францияда коммуна, Италияда хунта). Австрияда 2300 дан ортиқ, Нидерландияда 647 та, Францияда эса 36 мингдан ортиқ коммуналар мавжуд [16]. Бундай ўзини ўзи бошқариш тузилмалари демократик принципларга асосан жамоавий тарзда бошқарилади.

Бундай тузилмаларнинг энг ноёби Исроил киббуцларидир. Бугунги кунда Исроилда 274 та киббуц мавжуд бўлиб, уларда 150 мингга яқин аҳоли истикомат қилади, бу мамлакат аҳолисининг икки фоизидан камроғини ташкил қилади. Киббуц коммунаси аҳолиси одатда қишлоқ хўжалигида ёки саноатда ишлайдиган бир неча юз кишидан иборат. Киббуц аъзолари сут фермаларида, боғларда ва ҳатто аҳоли пунктидан ташқарида ишлаб, барча даромадларни умумий жамғармага қўшадилар. Сўнг киббуц маъмурияти жамоанинг ҳар бир аъзосига нима билан шугулланишидан қатъий назар, бир хил ойлик маош тўлайди. Киббуц аҳолиси жуда арзон нархларда коммунал хизматлар ёки қурилишга ер олишда кўплаб имтиёзлардан фойдаланадилар. Болалар тарбияси, хўжалик ишлари, ижтимоий тартиб-интизомни таъминлаш каби масалаларда киббуц коммуналари масъулиятни тенг тақсимлаш тамойилига амал қилади [17].

Хорижий мамлакатларда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг йирикроқ тузилмалари ўз бюджетини шакллантириш ҳуқуқига эга. Маиший йиғимлар ва солиқлар улар даромадларининг асосий манбаини ташкил қилади. Кўчмас мулк солиғи (ер участкалари, уй хўжаликлари ва коммунал бинолар) тўловларнинг асосий қисмини таъминлайди. Шунингдек, шаҳар хўжалигидан келадиган тушумлар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари бюджетларида кичик улушни ташкил қилади. Маҳаллий солиқлар ошганига қарамай, маҳаллий ҳокимиятларнинг даромадлари қурилиш ишлари ва турли тузилмалар учун коммунал харажатларни қоплаш учун ҳали ҳам етарли эмас. Шу сабабдан ҳам муниципал органларга давлат субсидияларини ажратиш амалиёти кенг тарқалган, бу эса ўз навбатида ўзини ўзи бошқариш тузилмаларининг нафақат молиявий, балки сиёсий масалаларда ҳам

марказий ҳокимиятга қарамлигини келтириб чиқаради [18].

Шундай бўлса-да, дунёнинг аксарият ривожланган мамлакатларида давлат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқларини тан олади ва қонун билан ҳимоя қилади. Муниципалитетларнинг марказий давлат органлари билан юз берадиган низоларда ўз манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиши амалиёти ҳам жаҳон тажрибасида тез тез учраб туради. Шу билан бирга, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тузилмаларининг фаолиятини такомиллаштириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида узок ва ўрта муддатли дастурларни ишлаб чиқишга бошқош бўлади. Бинобарин, маҳаллий инфратузилмаларни сақлаш ва ривожлантиришда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар асосий ўрин тутати.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш борасида Буюк Британия етарли тажрибага эга. Хусусан, унда маҳаллий бюджетларнинг даромад манбалари қуйидагилардан иборат:

1. Марказий ҳокимият органлари томонидан ажратиладиган грантлар ва субсидиялар (тахминан 40%). Улардан энг муҳими “солиқ субсидияси”дир. У ҳар бир маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий имкониятларига ва тахминий (дастлабки ҳисоб-китобларга кўра) харажатларга мувофиқ белгиланадиган мақсадли бадал шаклида тақдим этилади. Ҳар бир йил учун ушбу маблағларни сарфлаш тартиби марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари бирлашмалари ўртасида келишиб олинади. Бундан ташқари, уй-жойқурилиши, полицияни сақлаш, транспорт ва капитал харажатлар учун мақсадли субсидиялар берилади;

2. Қишлоқ хўжалиги муомаласида бўлмаган ерлар учун тўловлар ва кўчмас мулк солиғи (30% га яқин) шаклида маҳаллий бюджетларга ажратмалар. Чегирмалар миқдори мулкнинг баҳоланган қийматига ва маҳаллий ҳокимият томонидан белгиланган фоизли чегирмалар даражасига боғлиқ;

3. бошқа даромадлар: уй-жой ижараси, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўлов (тахминан 30%).

Шундай қилиб, маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари қарийб 60% ни ташкил этади, қолган даромадлар давлат ёрдами – субсидиялар ва субвенсиялар шаклида бўлади. Бюджетни таъминлаш солиқларни тақсимлашни яхши йўлга қўйилган тизими, солиқларни қайта тақсимлашни минималлаштириш ва субсидиялардан қатъий мақсадли фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади. Асосий харажатлар (тахминан 70%) ижтимоий соҳани сақлаш харажатлари –

таълим, ижтимоий таъминот, шунингдек, шаҳар полицияси, йўллар ва транспорт хизматларидир. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари қисқа муддатли ва узок муддатли кредитлар олиш ҳуқуқига эга, улар қимматли қоғозлар чиқариши ва мулкни гаровга қўйиши мумкин [19].

АҚШда муниципалитетлар хусусий фирмаларни жалб қилиш орқали коммунал хизматлар томонидан тегишли хизматларни кўрсатишга сарфланиши керак бўлган маблағнинг 20-40 фоизини тежашга муваффақ бўлади. Маҳаллий ҳокимиятлар хусусий фирмалар билан чиқиндиларни йиғиш, кўчаларни ёритиш ва бошқа бир қатор хизматлар учун шартномалар тузади [20]. АҚШ муниципалитетларининг асосий даромад манбалари солиқлар, йиғимлар, бошқа тўловлар, маҳаллий бюджетларга тўланадиган жарималар ва маҳаллий хизматларни молиялаштириш учун федерал ёки штат ҳукуматлари томонидан бериладиган субсидиялардир. Муниципалитетлар мол-мулк ва тижорат фаолиятдан олинадиган фойда солиғини маҳаллий бюджетларга ўтказиш ҳуқуқига эга. Умуман олганда, солиқ сиёсати штат резидентлари учун эмас, балки ташриф буюрувчилар (масалан, туристлар) учун солиқни максимал даражада оширишга қаратилган. Бир қатор солиқ бўлмаган тўловлар ҳам маҳаллий бюджетга тушади, масалан, жамоат транспортида йўл ҳақи, сув истеъмоли учун тўловлар, бошқа коммунал тўловлар, маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликлар учун ундириладиган жарималар. Федерал ва давлат субсидиялари фақат маҳаллий йўлларни қуриш, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий хизматлар учун мўлжалланган [21]. Муниципалитетлар мустақил маҳаллий солиқ сиёсатини юритиш ҳуқуқига эга (лекин бу мустақилликнинг чегаралари штатлар томонидан белгиланади). Аксарият муниципалитетлар ўз дастурларини қисқа муддатли ва узок муддатли молиялаштириш учун хусусий капитал бозоридан фойдаланадилар. Бунинг учун улар хусусий корхоналарни коммунал соҳага, молиялаштиришга сармоя киритсалар, маҳаллий солиқлардан озод қилиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Францияда муниципал органлар харажатларини қоплашнинг асосий манбаи ҳукумат субсидияларидир. Шунингдек, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар: ер солиғи, уй-жой солиғи, чиқиндиларни қайта ишлаш учун тўловлар, транспорт тўловлари ва бошқалар ҳам маҳаллий бюджетни тўлдиришга хизмат қилади. Капитал харажатлар, асосан, қурилиш солиқлари ва ҳар хил турдаги жарималар, марказий ва минтақавий ҳокимиятларнинг қўшимча субсидиялари, маҳаллий кредитлар ҳисобидан қопланади. Шундай қилиб,

маҳаллий ҳокимият давлат ҳокимиятига катъий бўйсунди. Маҳаллий бюджетни молиялаштириш катъий мақсадли йўналтирилган, молиявий мустақиллик амалда йўқ.

Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш барча ривожланган давлатларда амалиёти бор. Чунки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини мустаҳкамлаш давлат ҳокимияти билан жамият ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга йўл очади. Бошқарувнинг энг қуйи тизимида бошқарув қанчалик мустаҳкам бўлса, жамиятдаги муаммоларнинг ечимига шунчалик осон йўл топилади.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий мамлакатларда фаолият юритувчи маҳаллий

ўзини ўзи бошқариш органлари структуравий ва функционал жиҳатдан ўзаро фарқли хусусиятларга эга. Бироқ умумийлик шундаки, мазкур тузилмалар фаолияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи ташкил қилиш каби демократик тамойиллар асосига қурилган. Бу ўз навбатида, умумий бошқарув тизимининг маҳаллий муаммоларга ўзига хос тарзда ёндашиш имконини беради. Шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари маълум даражада автономия ҳуқуқига эга бўлсалар ҳам, амалда маҳаллий масалаларни ҳал этишда кўп жиҳатдан давлат ҳокимияти қўмағига муҳтож эканлиги кўриниб турибди. Бу айниқса молиявий масалаларда яққол кўзга ташланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Барабашев Г.В. Местное управление. – М.: МГУ, 1996. – с. 24.
2. Баренбойм П.Д. Три тысячи лет доктрины разделения властей. Суд Сыютера. – М.: Белые Альвы, 1996. – с. 69.
3. Беррес Р.Т. Документы Американской Революции: Декларация независимости, Конституция Соединенных Штатов, Билль о правах. – Тверь; М.: Альба, 1994. – с. 222.
4. Вейнберг И.П. Рождение истории. – М.: Наука, 1993. – с. 128.
5. Всеобщая декларация прав человека. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml
6. Кашкин С.Ю. Политический режим в современном мире. Понятие, сущность, тенденции развития. – М.: Юрист, 1993. – с. 221.
7. Кнеймайер Ф.Л. Организация местного самоуправления в Баварии (основные структуры, особенности, недостатки) // Государство и право. 1995. № 4. – с. 109.
8. Ковлер А.И. Избирательные технологии: российский и зарубежный опыт. – М.: ИГП РАН, 1995. – с. 273.
9. Крутоголов М.А. Конституционный Совет Франции. – М.: Наука, 1993. – с. 76.
10. Конституционное (государственное) право зарубежных стран: Учебник / Под ред. проф. Б.А. Страшуна. – М.: БЕК, 1996. – с. 757.
11. Мишин А.А. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Мишин. – М.: Белые Альвы, 1996. – с. 72.
12. Федерация в зарубежных странах. – М.: Юридическая литература, 1993. – с. 174.
13. Современный федерализм (сравнительный анализ). – М.: ИНИОН РАН, 1995. – с. 91.
14. Смирнова Н.Н. Конституционное право зарубежных стран: Курс лекций. – СПб.: Альфа, 2001. – с. 511.
15. Четвернин В.А. Демократическое конституционное государство: введение в теорию / В.А. Четвернин. – М.: ИГП РАН, 1993. – с. 87.
16. Фененко Ю.В. Муниципальные системы зарубежных стран: правовые вопросы социальной безопасности. – М.: МГИМО-Университет, 2004. – с. 9.
17. Дубсон Б.И. Кибуцы. Путешествие в светлое будущее и обратно. – М.: КРАФТ, 2008. – с. 329.
18. Скоков А.М. Местное управление и самоуправление в зарубежных государствах. <https://cyberleninka.ru/article/n/mestnoe-upravlenie-i-samoupravlenie-v-zarubezhnyh-gosudarstvah>
19. Кынина Н.А. Организация муниципального финансирования в странах Запада: сравнительный анализ // Региональная экономика: теория и практика. 2004. №3(6). – с. 54.
20. Федерализм, региональное управление и местное самоуправление (проблемно-тематический сборник). – М.: ИНИОН РАН, 1999. – с.132.
21. Демьяненко А.Н., Обушенков А.Л. Муниципальное управление: Учебное пособие. – Хабаровск-Н.Новгород: ВВАГС, 1998. – с. 94-95.
22. Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Нукус шаҳри.

Дунё мамлакатларида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари бўйича тажрибалар
Турманов С.Т.

Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Нукус

Мақолада дунё мамлакатларида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари бўйича тўпланган тажрибалар тўғрисида сўз юритилади. Ғарб ва Шарқ мамлакатларида оила қадрияти таққослаб ўрганилади. Маҳалла ҳамда оила шитимой институт сифатида функцияларини адо эттириш механизмлари талқин қилинади. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатларига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг роли тўғрисида сўз юритилади. Хорижий олимларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, муниципал бошқарув тўғрисидаги фикрлари баён қилинади. Ғарб

ва Шарқ мамлакатларининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш соҳасига тааллуқли ваколатлари ва ўларнинг хусусиятлари таҳлил қилинади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш борасида хорижий тажрибалар ўрганилади.

Опыт органов местного самоуправления в странах мира
Турманов С.Т.

Министерство по поддержке махали и старшего поколения Республики Каракалпакстан, Нукус

В статье рассматривается опыт, накопленный в сфере местного самоуправления в странах мира. Сравнительно исследуется ценность семьи в западных и восточных странах. Интерпретируются механизмы выполнения функций махалли и семьи как социального института. Обсуждается законодательство о полномочиях органов местного самоуправления и их роль. Рассматриваются взгляды зарубежных ученых на органы местного самоуправления, муниципальное управление. Анализируются полномочия и особенности стран Запада и Востока в сфере местного самоуправления. Будет изучен зарубежный опыт государственной финансовой поддержки органов местного самоуправления.

Experience of local governments in the countries of the world
Turmanov S.T.

Ministry of Support of Mahalla and older generation of the Republic of Karakalpakstan, Nukus

The article discusses the experience gained in the field of local self-government in countries around the world. The value of the family in Western and Eastern countries is studied comparatively. Mechanisms for performing the functions of the mahalla and the family as a social institution are interpreted. Legislation on the powers of local government and self-government bodies and their role are discussed. Opinions of foreign scholars on local self-government bodies, municipal governance are described. The powers and characteristics of the countries of the West and the East in the field of local self-government are analyzed. Foreign experience in state financial support of local self-government bodies will be studied.

УДК 167.7. (303.09:001.891.57)

**ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ БИЛИШ КОНТЕКСТИДА
МОДЕЛЛАШТИРИШ ПАРАДИГМАСИ МЕТОДОЛОГИК СТРАТЕГИЯ
СИФАТИДА**

Ниязимбетов М.Қ.

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими
Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти, Нукус шаҳри*

Ҳозирги вақтда моделлаштириш методидан инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳасида у ёки бу даражада қўлланилмаслигини тасаввур қилиш қийин. Мазкур усул объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларни бевосита ўрганиш мумкин бўлмаган ва ўрганиш объекти мураккаб бўлган пайтларда самарали илмий усул ҳисобланади. Қолаверса, тадқиқот объектини бевосита тадқиқ этиш қийинчилик туғдирганида, қимматга тушганида, вақт чегараси катта, кўп чиқим талаб қилиниб ва таваккалчилик қилиш имконияти камроқ бўлганида моделлаштириш методига зарурат туғилади. Айниқса ижтимоий-иқтисодий жараёнларни билишда моделлаштириш парадигмаси муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур мақолада ижтимоий-иқтисодий жараёнларни билиш контекстида моделлаштириш парадигмасининг мазмун ва моҳиятини тадқиқ этамиз.

Объектларни тадқиқ этишда, жумладан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни билишда моделлаштириш методининг афзалликлари қуйидагича: Биринчидан, тадқиқ этилаётган объектларнинг мураккаблиги. Мураккаб объектларни моделлаштириш инсон имкониятларининг чегараланганлиги билан бевосита боғлиқ. Бундай мураккаб

ҳолатлардан чиқишда, объектнинг моделини қуриш орқали унинг соддалаштирилган кўринишига олиб келинади. Иккинчидан, объект устидан эксперимент утказиш имконияти кам, ҳавфли бўлганда ёки деярли мумкин бўлмаган шароитларда, объектнинг моделини тузиш орқали тадқиқ этилади.

Дарҳақиқат, моделлаштириш–ресурсни сакловчи метод сифатида тадқиқотнинг қийматини ва давомийлигини қисқартиради, вақт ва молиявий воситаларни иқтисод қилади. Масалан, инсон Ердаги ҳаётнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, хужайраларнинг кўпайиши, микро - ва мегадунё ҳодисаларини билиш, ижтимоий ҳодисаларнинг моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини бевосита идрок эта олмайди. Шунингдек, бирон бир популяциянинг динамикасини аниқлаганимизда, об-ҳавони башорат қилганимизда, сунъий жисмларни учирганмизда, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий стратегик ривожланиши йўлини белгилаганмизда ва ш.ў. ҳодиса ва жараёнларни тасвирлашда моделлаштириш методи самарали натижа беради. Шу сабабдан ҳодиса ва жараёнларни осон идрок этиш, ўрганиш учун улар сунъий шаклда қайта

ишлаб чиқилади. Мазкур жараён моделлаштириш жараёни ҳисобланиб, оламдаги ҳар хил объектларнинг моделларини тузиш ва ўрганиш билан боғлиқдир.

Адабиётларда моделлаштириш методи куйидагича таърифланади.

Моделлаштириш – воқеликни акс эттириш шакли бўлиб реал объектларнинг у ёки бу хоссаларини тушунтириш ёки қайта ҳосил қилишни ўз ичига оладиган, предмет ва ҳодисаларни бошқа объект, жараён, ҳодисалар ёрдамида абстракт баён қилиш ёрдамида режа, карта, тенгламалар мажмуаси, алгоритм ва дастурлар турида тасвирлайдиган билишнинг асосий методларидан бири ҳисобланади [1, 14]. Жаҳон энциклопедиясидаги фалсафа китобида моделлаштириш методига куйидагича таъриф берилади: “моделлаштириш – объектларни унинг моделлари ёрдамида тадқиқ этиш жараёни. ... Моделлаштириш бир томондан образларни қуришда эркинлик туфайли янги билимларни ишлаб чиқишни (эвристика) таъминласа, иккинчи томондан категориал онтологияни ва олам манзарасини беради (когнитивлик ва тил тарзида)” [2, 649]. Катта энциклопедик луғатда “моделлаштириш – қандайдир бир ҳодисани, жараённи ёки тизимларни тадқиқ этиш, уларнинг моделларини қуриш ва ўрганиш йўли билан амалга оширилади [3, 684]” - деб таъриф берилса, бунга ўхшаш таъриф бошқа жойда “моделлаштириш – қандайдир бир реал мавжуд предметлар, ҳодисалар ва конструкцияланган объектларини тадқиқ этиш, ўз навбатида уларнинг моделларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш билан амалга оширилади” [4, 741] дейилган. Бундан ташқари, моделлаштириш – бирон бир объектнинг (оригинал) хусусиятларини бошқа объектга (модель) акс эттириш жараёнидир. Бунда у воқеликнинг бирон бир фрагменти ҳақида тахминий ахборот беради [5, 4].

Фикримизча, моделлаштириш методига юқорида берилган таърифлар бир бирини тўлдиради. Аммо унга фалсафий жиҳатдан ёндашилмаганлиги маълум. Бизнингча, моделлаштириш - аниқ жараён ҳисобланиб, объектнинг ички алоқдорликларини ва муносабатларини, унинг борлиғи ва ривожланишини белгиловчи томони ҳисобланган моҳиятни тўхтовсиз, узлуксиз очишдан ва билишдан иборат усулдир.

Моделлаштириш жараёнининг натижаси моделларда ифодаланади. Моделни онтологик жиҳатдан тадқиқ этганмизда “Модел нима?” деган саволга жавоб бериш талаб этилади.

Моделга таъриф беришда бир қатор ҳар хил фикрлар мавжуд. Махсус адабиётларда моделга куйидаги таърифлар берилади:

Модел (лат. *modulus* – меъёр, нусха) – оригиналнинг қизиқтирган хосса ва тавсифларини қайта ишлаб чиқиш орқали объектнинг

ўрнини босувчи сифатида [6, 650], табиат ва жамиятдаги бирон бир объект, жараён ёки ҳодисанинг (берилган моделнинг оригинали) “ўрнини босувчи”си сифатида нусха, эталон, стандарт, образ, аналог (аклий ёки шартли: таъсир, схема, чизма, график, режа, карта ва ш.ў.) қўлланилади [7, 806].

Барча моделлар - ментал (аклий) ёки математик моделлар бўлишдан қатъиназар улар ўзида реал оламнинг соддалаштирилган кўринишини намоён этади [8, 22].

Модель тушунчаси кенг маънода бирон бир объект, жараён ёки ҳодисанинг образи, аналог, ...модель – бу билиш мақсадида танланган, объектнинг негизи ҳақида янги ахборот берувчи ёрдамчи объектдир, - деб таъриф берилади [9, 84-85]. Тизимли динамика концепциясининг асосчилардан бири бўлган Д. Форрестернинг фикрича, “модел – оламнинг аклий образидир” [10, 46]. Шунингдек, модель – воқеликнинг фрагменти сифатида эътироф этилиб, моделни қуришда муайян босқичлари сифатида “воқелик-когнитивли модель-мазмунли, модель-концептуаль, модель-формал моделлар”га бўлинади [11].

Мураккаб тизимларни моделлаштириш бўйича бир гуруҳ мутахассислар томонидан чоп этилган асарда “модель - бу воқеликнинг соддалаштирилган репрезентацияси” [12, 4], - деб эътироф этадилар. М. Пидд фикрича: модель муайян мақсад учун муаллафланган воқеликнинг репрезентациясидир (намоёниши). Моделлар воқеликнинг аниқ бир қисмини ифодалаб, унинг ёрдамида кишилар воқеликнинг бирон бир қисмини тушуниш, ўзгартириш ва бошқариш мумкин [13].

Репрезентация – бу образ ва нусхалар (қайта ишланган шакл, прототип)дир. Нарса ва ҳодисалар моделларда репрезентацияланади. Яъни, репрезентация ёрдамида нарса ва ҳодисалар ҳақидаги билимлар эгалланади.

Репрезентация нима? Эпистимологияда репрезентация – (фр. *representation* вакил, намоёнда) идеал ва моддий объектлар, уларнинг хоссалари, муносабатлари ва жараёнларнинг илк образлари ва образларнинг билвосита “иккиламчи” тасаввурдир. ... Репрезентация – бу билиш ҳодисасининг воситачилари ҳисобланган – моделлар, символлар, умуман белгилар, жумладан, тил, мантиқий ва математик тизимлар ёрдамида тасаввур этишдир. Табиий ва сунъий тиллар – бош воситачилар, репрезентациялардир [14, 826-827]. Демак, моделлар билиш объекти билан субъекти орасидаги воситачи сифатида (ўртасида турувчи) олиб қаралади. Репрезентация – бу образ ва нусхалар экан (қайта ишланган шакл, прототип), нарса ва ҳодисалар моделларда репрезентацияланади. Яъни, репрезентациялар ёрдамида нарса ва ҳодисалар ҳақидаги билимларга эга бўлиш мумкин. Репрезентация бу оддий нусха

кўчириш эмас. Модель – бу репрезентациянинг тизимлашган энг умумий тури. Иккинчи томондан, модель – бу конструкциядир. Унда воқеликдаги нарса ва ҳодисалар ҳақида ахборот ва билим олиш усули сифатида ўз тажрибамиздан келиб чиқиб, тафаккуримиз шакллари шундай жойлаштирамизки, унинг натижасида тизимлашган репрезентация ҳосил бўлади. Шу ерда моделнинг назария, формалаштириш методлардан фарқли жиҳатлари намоён бўлади. Сабаби, модель, назария ва аналогиялар битта турнинг индивиди, яъни репрезентациялардир. ... Қачон биз, “бу модель эмас, балки назариядир” ёки “бу муайян белгилар бўйича фақат аналогиядир, десак уни назария билан алмаштирмаслигимиз керак” [15, 56]. Аммо моделни назария ва аналогиядан фарқлаш зарур.

Юқоридагилардан ташқари моделни тадқиқ этишнинг илмий жиҳатларига қараб, унинг кўплаб таърифлари мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, модель - объектга нисбатан гносеологик иккиламчи объект сифатида (В.А. Штофф), модель - объектни қайта ҳосил қилиш сифатида (Б.А.Глинский), фикрлар тизими сифатида, белгили конструкция сифатида (О.И.Генисаретский), тизим ёки прототипга аналогия сифатида (Г.Клаус), прототип ҳолатининг тузилиши ва қонуниятларининг тасвири, илмий гипотеза, прототипнинг нусхаси сифатида (В.М. Глушков), прототипнинг онгда ҳиссий образлар, тушунча ва мулоҳазалар шаклидаги акси сифатида (А.А.Зиновьев), реал объект, идеаллаштириш сифатида (Ю.А.Жданов), тизим, фаолият тузилиши ёки дастури, бошқа тизимни у ёки бу даражада акс эттирилиши (Н.М.Амосов), прототип билан баъзи бир объектив мослик ўрнатилган тизим (И.Б. Новик), прототипни алмаштириш ҳисобланиб, у ҳақида янги билим бериш имконияти ёки идеал образ, назария сифатида (А.Н. Кочергин) каби таърифларни келтириш мумкин.

Модель – бу бирон бир объектни абстракт репрезентациялаш ёки абстракт тасаввур этиш усули. Масалан, формалаштиришнинг оддий тури – объектни терминлар ёрдамида тўғри репрезентация (номлаш, тасвирлаш) қилиш. Табиий тилда бундай терминлар ролини сўзлар ва ифодалар (инсон, дарахт, айлана ва ш.ў.) бажаради. Илмий тилда, масалан математикада – сонлар, белгилар, кўпайтма амали ва ш.ў. математик операцияларни бажаради. Репрезентациянинг энг ривожланган шакллари – назариялар бўлиб, саънат, адабиёт дастлаб унча ишлаб чиқарилган ижтимоий ва тил амалиётидаги репрезентация шакллари олади. Репрезентация кенг маънода – бу тузилманинг тузилмагача, хусусиятнинг хусусиятга ҳар қандай инъикосидир.

Бирон бир объект-оригинални бошқа

объект-модель билан алмаштириш ва иккинчи объект-модель билан биринчи объект-оригиналнинг хусусиятларини тадқиқ этиш назарияси моделлаштириш назарияси ҳисобланади. Моделлаштириш натижасида объект-оригиналнинг ўрнини босувчи модель олинади. Моделлаштириш билиш жараёни сифатида атроф муҳитда юз бераётган нарса ва ҳодисалардан келадиган ахборотни қайта ишлашни ўз ичига олиб, унинг натижасида объект-оригиналга мос келувчи, унинг ўрнини босувчи муайян образ сифатида қаралади. Демак, модель – бу объект-оригиналнинг хусусиятларини тадқиқ этишини таъминлайдиган, ушбу объект-оригиналнинг объект-ўринбосувчиси ҳисобланади.

Моделлаштириш методига доир деярли кўпчилик адабиётларда моделлаштириш жараёнининг асосан учта компонентини ажратиб кўрсатади: Объект (О), субъект (С) ва модель (М). Яъни, биринчидан, муайян тадқиқот йўналган объект (О), иккинчидан конкрет масалани кўндаланг кўйиувчи тадқиқот олиб боровчи тадқиқотчи (С), учинчидан Т томонидан кўйилган масалани ечими ҳисобланган, О ҳақида ахборот олиш ва билиш учун қурилган моделдан (М) ташкил топади. Моделга (М) нисбатан тадқиқотчи (Т) моҳиятан, экспериментатор вазифасини бажаради. Бунда тадқиқотчи экспериментни объект-оригиналга нисбатан эмас, балки қурилган моделга қарата утказади. Аммо бизнинг назаримизда моделлаштириш жараёни структураси асосан тўртта компонентдан ташкил топади:

Моделлаштириш жараёни = {Объект (О), субъект (С), модель (М) ва муҳит (Мх)}.

Моделда тадқиқотчининг мақсад ва манфаатларига мос келадиган, объект-оригиналдаги фақат баъзи бир хусусиятларгина намоён бўлади. Моделда акс этган хусусиятлар унинг объектидан ёки референтидан камбағалироқ бўлади (гомоморфизм). Моделнинг хусусиятлари объекта тўлиқроқ акс этса, бу репрезентация байроқ бўлади (изоморфизм). Объект-оригиналда шундай хусусиятлар ҳам мавжудки, уни моделда репрезентация қилиш имкони бўлмайди. Биринчидан, тадқиқотчига объектнинг маълум бўлган муайян хусусиятларини моделга репрезентация қилиш имкони чегараланган ёки умуман йўқ. Иккинчидан, биз томондан моделлаштириладиган объект ҳақида бизга маълум бўлмаган хусусиятлар ҳам мавжудки, ҳозирча уларни билиш имконияти яратилмаган. Учунчидан, моделда субъект ўз қарашлари, тасаввурлари, тахминларига асосланиб, объект хусусиятларини акс эттиради. Масалан, инсон миясининг модели деб ҳисобланувчи компьютерлар шундай хусусиятга эга. Бундан хулоса чиқарсак, ҳар

қандай модель объектга нисбатан релевантли характерга эга. Қачонки модель объектнинг бой хусусиятларини ўзида акс эттирса ва унинг структураси ва функционаллашуви ҳақида бойроқ тасаввур ва ахборотга эга бўлсагина, бундай шароитда модель объектга айиниятли бўлади. Объект моделга нисбатан байроқ касб этиб, уни схематик равишда қуйидагича белгилаймиз: (С, О, М): $M < O$. Бунда С – субъект, О-объект, М-модель. Демак, модель онтологик жиҳатдан реалликнинг яхлит структураси эмас, балки муайян фрагментининг структурасидир. Шу ўринда биз М. Вартовский фикрига қўшилишимизни таъкидлаш лозимки. У моделни нормативли ва мақсадли йўналганлик сифатида қараб, “модель нормативли объектдир, чунки у моделлаштирилаётган нарсанинг барча қисмлари эмас, балки энг аҳамиятли ва қадриятли бўлган томонларини ажратиб олади. Бундай пайтда моделнинг мақсадга йўналганлик хусусияти намоён бўлиб, унинг аҳамиятли ва қадриятли бўлиши, фақат муайян мақсадга муносабатидагина бўлаолади, аниқроқ айтганда, мақсаднинг амалга ошиши модель бўлиб хизмат этади” [16, 126].

Модель билан объект-оригинал қай даражада адекват? Моделлаштирилган объект ўз моделига қай даражада кўчирилган?

Агар моделлаштириш натижаси ўрганилаётган объект ҳақида ишончли ва ҳақиқий билим берса, унда олинган модель объект-оригиналга адекватли бўлади. Модель билан объект-оригиналнинг адекватлиги, ўз навбатида тадқиқотчи томонидан белгиланган моделлаштириш мақсадига ва қабул этилган мезонларга боғлиқ равишда келиб чиқади.

Аммо ҳар қандай модель объект-оригиналга айиниятли бўлмайди, яъни нотўлиқдир. Сабаби объектнинг моделини тузганда тадқиқотчи-субъект объектнинг фақат ўзига қизиқтирган омилларинигина, томонларинигина ажратиб олган бўлади. Бунда айрим бошқа омиллар ҳисобга олинмаслиги мумкин. Шу сабабдан ҳам объект ва модель орасида сезиларли фарқ бўлади. “Тўлиқ” моделни фақат объект-оригиналга тўлиқ айиниятли бўлсагина олишимиз мумкин. Бу ҳақда Артуро Розенблут ва Ноберт Винерлар образли тарзда шундай дейди: “Мушукнинг энг яхши модели – бу бошқа мушук бўлаолади, ундан ҳам яхшироқ модели эса, уша мушукнинг ўзигина холос”.

Ҳар қандай моделнинг хоссалари сифатида қуйидагиларни олиб қараш мумкин: мақсадга қаратилганлик; соддалаштирилганлик; тахминийлик; адекватлилик; фойдаланиш имкониятига эгалик; ахборот олиш имконияти.

Моделлаштириш жараёнининг структурасини фалсафий таҳлил этишнинг яна бир муҳим томони шундан иборатки, модель қуриш жараёнида алоҳидалик, хусусийлик ва

